

Айрим кишиларнинг воқеа мазмун-моҳиятини тушунмай туриб, гап тарқатиши ёхуд ахборот бериши зарарли гоёлар тегирмонига сув қуйиш билан теппа-тенг. Ана шундай ёлғон-яшиқ миш-мишларни тарқатишдан моддий манфаатдор бўлган кишилар, айрим чет эл мухбирлари тайёрлаган телекўрсатув, эшиттириш ёки хабарлар кўпчиликни қаттиқ

минглаб аскарларни Андижонга олиб келганда ҳам ҳеч нарсага эришиб бўлмаслиги аниқ эди».

Нақадар асосли, аниқ тўхтам! Президентимизнинг бу ибратли сўзларидан ҳар биримиз тўғри хулоса чиқаришимиз лозим.

Биз Андижон воқеаларига оид эшиттиришларни эшитдик, кўрсатувларни кўрдик. Тез кунда Президентимизнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам

дастурга айлантириш ва ёшлар билан ишлашни кучайтириш, ҳамisha огоҳ бўлиш.

Бу вазифаларнинг ҳар бирини бажариб, назорат қилиб боришни фаолларимизга юкладик.

АМАЛИЁТ РИСОЛАСИ



адаштириши шубҳасиз. Мустақил ҳаёт кўникмаларига эга бўлмаган ёшларимиз, ҳатто айрим катта ёшдаги кишилар ҳам тўғри йўлдан чалғидилар.

Президентимиз Ислам Каримовнинг яқинда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» номли китобида Андижон воқеалари мисолида умуман шубҳага ўрин қолдирмайдиган тарзда истиқлолимизнинг ҳақиқий тараққиёт гоёси яна бир марта очиқ-ойдин баён қилиб берилган. Юртбошимиз Андижонга борганида «Авалло маҳаллалар раҳбарлари билан учраштирамангиз, мен биринчи галда улар билан маслаҳатлашмоқчиман, улар билан мавжуд вазият бўйича фикр алмашиб, ундан кейин тегишли чора-тадбирларни белгилаш ва амалга оширишга киришишни маъқул топдим», — дейди. Президентимиз аҳолининг орзуниятлари ва кайфиятини, воқеаларга муносабатини билмасдан туриб, чора-тадбир кўриш мумкин эмаслигини айтдилар: «Муқаддас Андижон заминиде яшайдиган одамларнинг, аввалло кайвонилар, маҳалла оқсоқоллари, қариялар ва фахрийларнинг фикрини билмасдан туриб, уларнинг ёрдамига суянмай туриб,

бўлмайди» номли китобларини олиб ўқидик. Президентимиз рисолаларини ўқиб чиққач, турли хорижий экран ва рўзномалар орқали етган хабарлардаги айрим тушунмовчиликлар бизга аниқ бўлди. Бу китобни, аввало, фаолларимиз билан бирга мутолаа қилдик. Шундан сўнг, огоҳлик бўйича ҳамда диний, маърифий режаларимизни ва ёшлар билан ишлаш дастуримизни қайтадан кўриб чиқдик. Китоб мазмунидан келиб чиққан ҳолда маҳалламиздаги қуйидаги ишларни асосий вазифа деб белгиладик:

1. Ҳамма нарсадан Ватан тинчлиги ва осойишталигини устун қўйиб, унинг тақдири, нуфузи, обрў-эътиборини сақлаш учун ҳаракат қилиш керак. Халқ фаровонлиги йўлида астойдил хизмат қилиш лозим;

2. Экстремизмнинг, ақидапарастликнинг ҳар қандай кўри-нишларига қаттиқ зарба бериш, гоёга қарши гоё билан курашиш;

3. Оммавий ахборот воситалари ва телеканаллар орқали берилаётган материалларни миллий истиқлол гоёси призмасидан ўтказиб, соғлом фикр билан қабул қилиш;

4. Ушбу китобни маҳалла учун «амалиёт рисоласи» деб белгилаб, маҳалла фаолияти учун ҳақиқий

Фаоллардан Зоир Турғунов, Абдусайд Назаров, Абдумалик Каримовлар ўтказилаётган йиғилишларда, учрашувларда, бошқа йиғинларда Президентимизнинг мазкур китоби мазмунини кенг тушунтирмақда. Шу билан бирга юртбошимизнинг огоҳлик мавзусидаги барча фармойиш ва кўрсатмалари маҳалла аҳли ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда. Меҳринисо Розикова раҳбарлик қилаётган гуруҳ маҳалла хотин-қизлари орасида диний-маърифий, ахлоқий-тарбиявий ишларни Президентимизнинг китоблари ва маърузалари асосида ташкил қилган. Котибамиз Фариде Собирова маҳалла қошида турли тўғараклар ташкил қилиб, унга ёзги таътилга чиққан мактаб ўқувчиларини, маҳалладаги йигит-қизларни турли касб-хунарларга ўргатишга киришган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Президентимизнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китоби маҳалла фаоллари учун ҳам, фуқаролари учун ҳам амалиёт рисоласи бўлиб қолди.

Абдуғафур БАДАЛОВ,

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Аҳмад Яссавий маҳалласи фуқаролар йиғини раиси

Журнал 1925 йилдан чиқа
бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги

Бош муҳаррир

Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:

Ўткир ЖЎРАЕВ

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ

(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)

Абдусайд КЎЧИМОВ

Гулистон МАТЁҚУБОВА

НИЛУФАР

Нодирбек АҲМЕДОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Абдулла ОРИПОВ

Неъматулла РАСУЛОВ

Жўрақул ТУРСУНОВ

Ўктамхон ХОЛДОРОВА

Манзура ШАМС

(масъул котиб)

Комил ЮСУПОВ

Раҳмон ҚЎЧҚОР

Азамат ҲАЙДАРОВ

Бўлим муҳаррирлари:

Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ

Зумрад ВАҲОБОВА

Саҳифалаш ва дизайн:

Шоҳида ТАЙПИЕВА

Навбатчи муҳаррир:

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ

Ушбу сонда:

Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ

Манзиллар барпо этиб...

Кутлибека РАҲИМБОЕВА

СЕНГА... ҚИТЎБ

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

ОТА ҲОВЛИМ...

Жалолиддин АБДИЕВ

МЕН АДАШДИМ, СЕН...

Ўктамхон ХОЛДОРОВА

ХУШҲАВО САҲАТРОҲ

Иzzат СУЛТОН

ОИЛАВИЙ САР

Манзура ШАМС

ЯШЯРН(А)РН ЯСЛЯТ

Guliston

Босишга 12.08.2005 да топширилди. Қоғози 60x84 1/8.
Ҳажми 6,0 босма табоқ.

Буюртма № 130

Таҳририят манзили: 700029, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Телефонлар: Қабулхона: 136-56-01. Бош муҳаррир ўринбосари: 136-78-90

Масъул котиб: 133-07-94. Факс: 133-08-57

Алишер Навоий номпади Ўзбекистон Миллий
кўтубхонаси босмахонасида чоп этилди. Манзил:
Тошкент ш. Х.Сулaimонова кўчаси, 33 - уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 091 — рақам
билан рўйхатга олинган.

МУҚОВАПАРИМИЗДА:

1 бет — Хусусий тадбиркор Умидахон Валижонова.

3 бет — Рассом Абдужаббор НОЗИЛОВ ижодидан.

4 бет — Хонанда Шомаҳмуд Шораҳмедов.

Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш тўғрисида»ги ва «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда бошқа қатор норматив ҳужжатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириб, бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги мавжуд гов-тўсиқларни бартараф этишга ҳақиқий кафолат бўлди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислохотлар юртимиз фаровонлигига, навқирон авлоднинг буюк келажагига, Ватан тинчлиги ва истиқболига қаратилган. Истиқлол туфайли яратилган янгича муҳит, янгича шарт-шароитлардан, айниқса, иқтисодиётдаги эркинликлардан фойдаланиб, ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқараётган тадбиркор, ишбилармонлар кўпчиликини ташкил этади. Шунинг учун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг сони тобора ортиб бормоқда.

Тадбиркор Умида Валижонова яратилган бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, қурилиш-индустрияси соҳасида ўзига хос ютуқларга эришмоқда. Унинг фаолияти, тажрибалари ёш тадбиркор ва ишбилармонлар учун намуна мактабини ўташга муносибдир.

МАНЗИЛЛАР БАРПО ЭТИВ...

Тадбиркорлик, зукколик аёлларимизга момомерос ҳислатдир.

Миллатимиз ўтмиши, унинг маиший турмушига разм солсак, ўктам момоларимиз, тадбиркор уй бекалари, келин ва қизларнинг оилада гилам ва наматлар тўқиш, кигиз босиш, сўзана, қуроқ, кўрпа-ёстиқлар тикиб, бу юмушни санъат даражасига етказишганига ишончингиз комил бўлади. Пазандачиликда эса ҳамон уларнинг олдига тушадигани йўқ. Ҳозирги давримизда истиқлол самараси ўлароқ, тадбиркор аёлларимиз, ишбилармон хотин-қизларимиз жуда кўп. Ҳатто улар ўзларининг «Тадбиркор аёллар уюшмаси»ни ҳам тузишиб, мустақил юртимизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида қизгин фаолият кўрсатмоқдалар. Улар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ўзларининг сезиларли ҳиссаларини қўшмоқдалар. Умидахон Валижонова ана шундай замонавий ва тадбиркор аёлларимиздан бирidir.


У эркин тадбиркорлик учун барча шарт-шароитлар яратилган дастлабки даврданоқ қурилиш соҳаси бўйича масъулияти чекланган жамият ташкил этишга киришди. Албатта,

бундай ташкилотни тузиш аввало етарли куч-қувват, тажриба, билим талаб қилади. Қолаверса, ишни бошлаб, юргизиб юбориш учун оз мунча маблағ керакми?

Умида, аввало, жамият бошланғич фаолияти учун етарли маблағ топди. Керакли жойларга, идораларга югуриб, масъулияти чекланган жамиятнинг ҳуқуқий асосини яратди. Мана, «Қурилиш индустрия — ҳажмли уй-жой» масъулияти чекланган жамияти қурилиш компаниясини ҳам тузиб, рўйхатдан ўтказишди.



Замонавий кўпқаватли уй-жойлар, бошқа фуқаролик саноат объектларини, жорий уй-жойлар, қурилиш материаллари, темир-бетон буюмлари конструкцияси ишлаб чиқариш, турли хил қурилиш объектларига лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш, чакана ва улгуржи савдони ташкил қилиш, автокемпингларга, юк ва йўловчилар ташишга хизмат кўрсатиш ва бошқа фаолият турларини бажариш компания низомидан асосий вазифалар сифатида жой олди. Ташкилотнинг моддий-техника базаси яратилди ва у тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳозир 15 та юк автомобили, 3 та оғир юк кўтарувчи кран, 5 та кўтарма кранлар мавжуд. Юк ва йўловчи ташувчи 120 автомашинага эга бўлган 38-автокорхона ташкилот хизматига тортилган. Бектемир туманидаги темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш заводида қоплама плиталар ва турли темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ўрта Чирчиқ туманидаги ирригация ва мелиорация учун темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарувчи заводи сотиб олинди ва у маҳсулот бера бошлади. Умидахон раҳбарлик қилаётган қурилиш ташкилотиди молиявий таъминот ва мутахассис кадрлар билан таъминлаш муаммолари тезда бартараф этилиб, ишлаб чиқариш бошлаб юборилди.



УМИДАХОН ВАЛИЖОНОВА 1990 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини битирди. Орадан бир йил ўтиб юртимиз мутақилликка эришгач, у ўз олдига улкан мақсадлар қўйди. Ёш мутахассис халқ фаровонлиги йўлида яратиш, бунёдкорлик иши билан шуғулланишга аҳд қилди. У ўз орзусига иқтисодий-ҳуқуқий ва тadbиркорлик билимларини ўзлаштириш билан эришиши лозимлигини яхши биларди. Шу боис, Умидахоннинг изланишлари илмий-амалий фаолият билан узвий боғлиқ бўлди. Ўзи устида ишлаб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эришди. 1990-1995 йилларда Тошкент давлат университетиди катта ўқитувчи, 1995-1998 йилларда республика Олий хўжалик судиди молия-режалаштириш бўлими бошлиғи, 1998-1999 йилларда Молия вазирлиғи бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифалариди ишлади.

2001 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисод институти докторанти сифатида илмий ишини давом эттирмоқда.

Умидахон оиласи учун ҳам вақт топа олади. Унинг турмуш ўртоғи Муҳаммаджон Аҳмедов — журналист, ўғиллари Бахтиёр ва Муҳиддинжонлар Тошкент шаҳар М.Улуғбек туманидаги 17-мактабда таҳсил олмоқдалар.

Мирзо Улуғбек тумани Қори Ниёзий кўчасиди 30 хонадондан иборат 5 қаватли уй қурилиши ниҳоясига етказилди. Бу ташкилотнинг фойдаланишга топширган қалдирғоч объекти эди. Бу уйда барча коммунал қўлайликлар муҳайё бўлгани учун хонадон эгаларининг қувончи чексиз. Ташкилот яратилган имкониятлардан фойдаланиб, бунданда каттароқ ишларга журьат эта бошлади. Тошкент шаҳрининг

марказий туманларида учта 7 қаватли — банк ҳомийлигидаги уйлар қурилиши бошлаб юборилди.

— Ташкилотимизда 200 дан зиёд муҳандис ва ишчилар доимий иш билан банд. Пойтахтимиз ҳуснига путур етказётган эски, нураб қолган турар жойлар ўрнига замонавий лойиҳалардаги уйлар қуриб, фойдаланишга топширмоқдамиз. Ҳозиргача аҳолининг уй-жойларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 18 минг квадрат метр, яъни 90 дан зиёд замонавий хонадонлар қурдик. Навбатда турган фуқароларнинг 60 нафарга яқини биз қурган замонавий уйларга кўчиб ўтдилар, — дейди Умида Валижонова.

Яқинда компания Давлат Божхона Қўмитаси Сирдарё вилояти бошқармаси маъмурий-база комплекси қурилиши бўйича ўтказилган тендерда қатнашиб, ғолиб чиқди. Шартномалар тузилиб, қурилиш ишларини бошлаш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Бектемир туманида умумий майдони 5 гектар бўлган автобекат сотиб олиниб, катта оғир юкли автомобиллар автокемпинги учун қайта жиҳозланмоқда. Шунингдек, компания томонидан майда тош ва ювилган қум ишлаб чиқариш учун майдалаб-саралаш комплекси иши ҳам йўлга қўйилади. Режалаштирилган ишларни амалга ошириш билан компания республикамизда кичик ва ўрта тадбиркорлик тармоғининг ривожланишига катта ҳисса қўшяпти. Янги ишчи ўринлари очилиши билан кўплаб аҳолининг социал-иқтисодий эҳтиёжлари қондирилмоқда. Айниқса, бу ишларга олий ўқув юртларини битираётган ёш ва истеъдодли мутахассислар жалб қилинаётгани таҳсинга сазовор. Таътилга чиқаётган талабалар ҳам вақтинчалик ишга таклиф қилинмоқда. Янги иш ўринлари очиб, ёш мутахассисларни тадбиркорликка, бунёдкорликка ўргатиш лойиҳасини Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳам қўллаб-қувватлади.



Қурилиш компаниясининг режалари ҳали бисёр. Бектемир туманидаги катта магистрал йўл ёнидан сотиб олинган ер участкасида гипермаркет қурилиши, Тошкент вилоятида цемент ишлаб чиқариш учун катта хомашё мавжудлигини ҳисобга олиб, цемент заводи қурилишини жадаллаштириш... Компания мутахассислари томонидан олиб борилган маркетинг тадқиқодлари Ўзбекистонда эксковаторлар билан бажариладиган ишларга бўлган талабнинг кучлилигини аниқладилар. Шунинг учун ҳам компания томонидан аҳолига, юридик ва жисмоний шахсларга замонавий эксковаторлар хизмати ва унинг техник ускуналарини яратиш бўйича парк ташкил қилиш режалаштирилди.

Ва ниҳоят, халқаро автомобил хизматини ривожлантириш ҳамда чорвачилик фермаларини яратишда истиқболли қурилишлар, техник имкониятларни янада такомиллаштириш бўйича янги дастурлар белгиланган.

Бу ишларнинг ҳаммасига кеча-ю кундуз тиним билмай ишлаётган Умидахон Валижонова бош-қош бўлиб турибди.

Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ

Ўзбек мусиқа санъати амалиётида дутор, танбур, сато, чанг, най, қонун, ғижжак, рубоб, сурнай, доира, ногора каби миллий чолғулар бор. Уларнинг ҳар бири ижрочилик жараёнида шаклланиб, ривожланиб келган ҳамда амалиётда ўз ўрни ва мавқеини сақлаб, авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Ўзбекистоннинг мусиқа маданияти ва санъатининг умумжаҳон маданияти билан ўзаро алоқалари, бир-бирига бўлган таъсири натижасида янги-янги йўналишлар, ижодиёт сарчашмалари юзага келди. Бу жараён ўзбек чолғуларини такомиллаштириш соҳасини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Айниқса, миллий ўзбек чолғуларини такомиллаштириш созгарлик соҳасига янги саҳифа сифатида кириб келди. Бу, албатта, ўзбек мусиқа санъати ижрочилигининг дунё миқёсидаги ўрни янгиланиб, юқорилаб

мўлжалланганлиги сабабли дастаси йўғон, диапазонни ҳам унчалик катта бўлмаган, лекин кутилган овозга эга чолғу эди. Кейинчалик, ушбу чолғуни такомиллаштириш ишлари олиб борилди. Бу амал Ўзбекистон санъатшунослик илмий тадқиқод институти тажрибалар лабораториясида А.И.Петросянц, С.Е. Диденко ҳамда чолғу ижрочилари ҳамкорлигида созгарлар томонидан давом эттирилади. Чолғу имкониятларини яхшилаш, ижро қулайликлари ва овоз диапазони кенгайтиришга ҳаракат қилинди. Натижада, 1950 йилларнинг бошларига келиб, ўзига хос чолғу — дутор бас бунёдга келади.

Чолғу аввалгига қараганда мензураси кичрайтирилган, косахонаси нисбатан ихчамлаштирилган ва дастаси ингичкалаштирилган эди. Бу эса ўз

ва ундан ташқарида дутор бас ижрочилик санъатида мавжуд ютуқлар шу кишининг номи билан боғлиқ, десам муболаға бўлмайди.

Ҳозирги кунда дутор бас чолғуси ансамбл ҳамда оркестрларда ғижжак, қобуз бас ва ғижжак-қобуз контрабаслар билан бирга асосий — бас товушни ифодаловчи чолғулардан бири сифатидагина эмас, балки якканавоз чолғу сифатида ҳам кенг қўлланилмоқда. Жумладан, Т.Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестри, Д.Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестри, «Сўғдиёна» Ўзбек Давлат халқ чолғулари камер оркестрида, Тошкент шаҳридаги ва вилоятларда мавжуд ўқув юртларида ушбу чолғудан кенг фойдаланилади. Чунки дутор бас халқ чолғу оркестрининг асосий замин товуш чолғуларидан биридир.

ДУТОР БАС ИЖРОЧИЛИК САНЪАТИ ТАРИХИДАН

бораётганлиги билан ҳам боғлиқ эди. Чунки илгари якканавозлик, яккахонлик ва айрим ҳолларда қисқа ансамбл, оркестр ижрочилиги каби йўналишлар билан бойиб борди. Шу сабаб бўлса керак, Ўзбекистонда чолғушунослар, чолғу ижрочилари ва оркестр раҳбарларида бир масала — оркестр таркибини хос чолғулар билан бойитиш фикри пайдо бўларди. Ниҳоят, 1930 йилнинг ўрталарига келиб, Тошкент мусиқа билим юртида бу муаммоларни ечиш бошланди. Билим юрти усталари В.А.Ромаченко, А.А.Кевхаянц, С.Е.Диденколар ўзбек халқ чолғулари асосида оркестрга мўлжаллаб чолғулар яшаш ишига қўл урадилар. Усталар «йўғон-бас» товуш тараннуми учун махсус чолғу яратиларди зарур эди. Шунда миллий чолғу — дуторнинг оиласини тузиб, ўзига хос хусусият ва шаклга эга бўлган чолғу яратишга муваффақ бўладилар. Уни дуторнинг ўзгача овозлиси сифатида «дутор бас» деб атай бошладилар. У аслида, оркестрга

навбатида чолғу имкониятларини кенгайтириб, ижрочиларга анча қулайлик яратди.

Ўзига хос ижро имкониятларига эга бўлган дутор бас тузилиши ҳам табиийки, ўзгачадир: соз қосаси, пардалик даста ва механик қулоқли бош қисмдан иборат. Чолғунинг дастаси юқорида ҳар икки томондан торларни таранг қилиб турувчи буралувчи механик қулоқлар ўрнатилган бош қисмига бориб тақалади. Дастанинг юз қисмига пардалик қатлам ёпиштирилган, унда хроматик тартибга асосланган пардачалар кўндалангига қадалган.

Дутор бас чолғу ижрочилиги санъати ҳақида гапирганимизда, чолғу ижрочилигини амалиётда йўлга қўйиш, болаларни ўқитиш, муносиб ижрочилар етиштириб, мактаб яратиш, сифатли чолғулар тайёрлаш, ҳамда ёшларга муносиб таълим беришда, албатта, ҳурматли устозимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, профессор Ашот Назаровнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш лозим. Ўзбекистон

«Сўғдиёна» ўзбек давлат халқ чолғулари камер оркестри таркибида Россия, Қозоғистон, Германия, Испания, Франция, Миср Араб Республикаси, Америка Қўшма Штатларида гастроль сафарларида бўлганимизда эшитувчилар ўзбек халқ чолғулари қаторида дутор бас чолғусига ҳам катта қизиқиш билан эътибор беришининг гувоҳи бўлдим. Концертларда ўзбек халқ мумтоз мусиқаси намуналари билан бирга «Экспромт», «Аллегро», «Астурия» каби бир қатор жаҳон бастакорларининг асарларини ижро қилганимизда чолғу ҳамда ижрочига, ўзбек миллий чолғуларига бўлган муносабатнинг ниҳоятда илиқлигини кузатдик.

Ўтмиш аъноаларига таяниб яратилган ҳар қандай амал ўз ривожини топганидек, ҳозирги пайтда дутор бас ўзбек халқ чолғу ижрочилигида алоҳида ўринга эгадир.

Зулхорбек ТУРОПОВ.

Ўзбекистон Давлат консерваторияси «Ўзбек халқ чолғулари» кафедрасининг доценти

Инсон ўз ҳаёти ва фаолиятини чин башарият қоидалари тизимига бўйсундирган ва олий бир мақсадга йўналтирган тақдирдагина умри зое ўтмаган бўлади.

Ўз олдига улуг бир мақсад қўйиб, 1970 йилларда ўзбек тили, адабиёти тарихи, ўзбеклар ҳаётини яқиндан ўрганишга АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳридан келган Джон Сопер бўлиб, у менинг илк америкалик аспирантларимдан бўлган эди. Мен унинг нафақат илмий раҳбари, балки ўзбек тили ўқитувчиси, шунингдек, энг яқин маслаҳатчиси ва сирдоши бўлдим.

Джон Сопер

Американинг машҳур университети UCLA (Лос-Анжелесдаги Калифорния университети)нинг лингвистика бўлимига магистрлик унвони олиш учун киради. У Лингвистикани профессорлар Бедел, Шаштер, Сандра

Томсон, А.Бодролигетилардан ўрганди. Тилларни ўрганишга чанқоқ бўлган талаба коллежда ўқиб юрган вақтларидаёқ рус тили билан бирга турк, ўзбек, чигатой (эски ўзбек тили), бошқирд тилларини ўрганишга киришди. Джон Сопернинг яқинлари унга хазил қилиб, «Сен лингвистлар орасида энг катта туркийшуноссан, туркийшунослар орасида эса энг буюк лингвистсан», дейишгани бежиз бўлмаган. Кўпчилик ҳақиқатан ҳам амин бўлишдики, бу икки йўналиш бўйича Джон машҳур бўлиб танилди. У 1972 йили магистрлик даражасини олгандан сўнг, докторлик тадқиқотини бошлайди.

1974 йили Джон Сопер фиолология фанлари номзоди унвонини олади. Диссертациясининг мавзуси турк ва эрон тилларида ўзлаштирма синтаксис, ўзбек, тожик ва уйғур тилларида феъл тартибига бағишланган эди. Илмий изланишларида доимо тиришқоқлик ва талабчанликни ўзига одат қилиб олган бу ёш олим чуқур тадқиқотлар олиб борди.

Джон Сопер Ўзбекистонда Марказий Осиё Туркийшунослик дастури бўйича жуда кўп материал, китоб, журнал ва мақолалар тўплади. Джон ўзбеклар ҳаётини чуқур ўрганди, миллий урф-одатлар билан яқиндан танишди. Яхши дўстлар орттирди. Халқ анъаналари, Марказий Осиё халқларининг классик адабиёти, тарихи, тили ва маданиятини тадқиқ этишга киришди.

У ўзбек шеваларини ҳам яхши ўзлаштирган бўлиб, ўзбек тилида жуда гўзал ва равон гаплашарди. Шу билан бирга турк, озор, уйғур тилларини ҳам яхши билган. Жонли тилни чуқур билиш мақсадида Джон Ўзбекистон бўйлаб кезди. Тошкент, Самарканд, Бухоро, Хоразм вилоятлари, Фарғона водийсининг энг чекка кишлоқларига бориб кўрди.

1978 йили Мюнхенда жойлашган «Озод Европа», «Озодлик» радиоси томонидан ўша даврдаги Совет Иттифоқининг Марказий Осиё давлатлари бўйича шарҳларни олиб бориш учун Джон ишга тақлиф

этилади. Джон Сопер тез орада бу минтақа муаммоларини яхши билган, чуқур маълумотга эга бўлган ҳақиқий шарҳловчига айланади. Бу орада Джон «Озодлик» радиосига икки мингдан ортиқ мақола ва материалларни тақдим этади. Бу мақолаларнинг баъзилари Джозеф Сийграм тахаллуси билан, баъзилари эса муаллифсиз эфирга берилган. «Озодлик» радиоси тўлкинларида олиб борилаётган эшиттиришлардан ўзбеклар хабардор бўлишади. Джон ўша даврдаги Ўзбекистон шароити, одамларнинг

колониаул зулм тизимидан озодлик, мустақиллик сари интилишини, эзгу туйғуларини яхши тушуниб етган эди. «Озодлик» радиосининг Джон бошқарган ўзбек бўлими Совет тизимида о м м а в и й ахборотларнинг талқини нореал-лигини каттиқ танқид остига олган ва ўз эшиттиришлари билан озодлик

уруғини сочишга ҳаракат қилган.

1981 йили диссертациясини ниҳоясига етказиш учун Джон UCLAга келди. 1981-1982 йиллари у Марказий Осиё туркий халқлари орасида ислом мавзусида тадқиқот олиб борди. Бу даврда Джон Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат-ул ҳақойиқ» асарини инглиз тилига таржима қилди. Бу асар Марказий Осиё Сопер серияларига киритилган.

Джон ўз тажрибалардан келиб чиқиб ўзбек — инглиз тили луғатини яратишга киришади. Унинг тўплаган материалларидан 1982-1993 йиллар давомида UCLAнинг Яқин шарқ тиллари ва маданияти бўлимида фойдаланиб келинган. Джон Сопер ташаббуси билан 1983 йил март ойида Вашингтонда Кене институти хомийлигида Марказий Осиёни ўрганишга бағишланган конференция ўтказилади. Шу муносабат билан UCLAнинг Ўрта Осиё бўлимида 100га яқин тадқиқот мавзулари бўйича курслар очилади.

Джоннинг тақлифи билан ўзбек тилини ўрганувчи ёзги интенсив курслар ташкил этилади. Бунда ўнлаб талабалар ўзбек тилини замонавий сўзлашув қоидалари асосида ўрганишади. Фақат 1988 йили Джон Сопер ёзги курслар учун 22 талабага грант олиб беришга муяссар бўлади. У Америкада Ўзбекистон маданияти, ўзбек халқи тилининг толмас жонкуяри бўлди. 1988 йил 20 сентябр куни Джон Сопер бевақт вафот этди. Унга мустақил Ўзбекистонни кўриш насиб этмади.

Менинг кўп шогирдларим бор. Улар ҳозирги кунда халққа фаол хизмат қилишмоқда. Хорижий давлатларда ҳам мендан таҳсил олган ва мени устоз деб билган ўнлаб фан докторлари бор. Булар орасида туркий тиллар ошиғи филология фанлари доктори Джон Д. Сопер калбимдан алоҳида ўрин олган.

Эргаш ФОЗИПОВ,
академик

ТИЛЛАР ОШИҒИ

Мармар ҳовуз тўридаги тахтда ўтирган Мироншоҳ яқиндаги супада ўтирган мавлоно Қутбиддин Нойига, созанда ва хонанда мавлоно Муҳаммад Кубистонийга ва ўткир нафасли ҳофиз Абдулқодир Мароғийга ишора қилиб: «Қўшиқ бошланг!» деб фармон қилди. Гижжак ноласи, най навоси қуйилиб, кўнгилларни сел қилиб оқизди...



Темурийлар

даврида сарой мусиқа маданияти

Сохибқирон Темури Кўрагон замонасида унинг фарзандлари — Мироншоҳ ва Шохрух, уларнинг ўғиллари — Улуғбек, Бойсунқур Мирзо ҳукмронлиги даврида турли илму ҳунарлар, мусиқа ва мусаввирлик, китобат, наққошлик, меъморчилик бениҳоя тараққий этган эди. Ўрта асрлар ва ҳозирги тарихчи санъатшуносларнинг ёзишларича, темурийлар даврида тараққийёт ва ҳақиқат манзилларидан огоҳ этувчи — «Наво», «Рост» макомлари «Муножот», «Ушшоқ», «Баёт» куйлари шу даврда юзга келган.

Темурийлар даври тарихчиси Давлатшоҳ Самарқандий «Шоирлар бўстони» асарига шундай ёзди: «Султон Бойсунқур саройида Хўжа Юсуф Андижоний етти иклимда тенги йўқ хонанда ва созанда эди. Унинг «Довудий» оханги Юсуф алайхиссалом қаби дилни тирнар, «Хусравоний» оханги жанговорона янграб, кўнгиллар ярасига туз сепарди».

Унинг укаси Иброҳим ибн Шохрух Шероз ҳукмдори эди. У ҳам ўз саройида замонасининг нодир уламо ва фузалоларини, бастакор, наққош ва ҳофизларини тўплаб давлатнинг шон-шухратини оламга ёйишни истар эди. Шу маънода, султон Иброҳим бастакорни ва ҳофиз Юсуф Андижонийни Шерозга қакиради, лекин Мирзо Бойсунқур бу таклифни рад қилаверади.

Султон Иброҳимга аллома Али Яздий куйлар қилди, дейди. Охири, Шероз ҳукмдори Иброҳим Мирзо Хиротга яна мактуб юборади, унда мусиқа устози Юсуф Андижонийни қизиқтириш учун 10000 динор нақд тилло ҳам жўнатади. Аммо Бойсунқур Мирзо севимли ҳофизини Шерозга юбормайди, тиллола рни укасига қайтариб, бундай байт билан жавоб қилади:

**Сотмагаймиз биз Юсуфни ҳеч қачон,
Айла сен қора чақангни эҳтиёт.**

Бу байтда Мирзо Бойсунқур бўлғуси пайғамбар, ёш Юсуфга ўғай акалари душманлик қилиб, уни қудуққа ташлаб, сўнг қарвонлар ўтаётганда уни қора чақаларга қул қилиб юборганлиги воқеасига ишора қилади. Мирзо бу билан беназир санъаткор Юсуф Андижонийнинг истеъдодини ғоят қадрлашини амалда кўрсатарди. Сохибқирон ҳаётининг охириги йилларида Мироншоҳ давлат ишларини парокандаликка учратиб, отасини қаттиқ хафа қилган эди. Мироншоҳ Хуросон ҳукмдори бўлиб турганда базм-ишратларга берилиб, фуқароларни норози қилгани учун сохибқирон уни, тахтдан туширди ва Озарбайжон пойтахти Табризга подшоҳ қилиб юборди.

Бир куни Мироншоҳ (мастлик пайтида) отдан йиқилиб, миясига захм етди. Табиблар қанча уринмасинлар фойдаси тегмади. У ҳамма вақт масҳарабозлар билан бўлар, амирлар, ноибларни шу қадар беҳурмат қилар эдики, ҳатто хожа Рашид (буюк тарихчи, вазир, «Жаннат таворих» асари муаллифи) нинг жасадини Табризнинг Рашидия макбарасидан чиқартириб, суякларини яхудийлар қабристонига қўйдиради. Самарқандий Кўксаройда сохибқирон ҳузурда ўтирганида Табриздан, Мироншоҳ ҳузурдан қочиб, келини Севинчбека сочлари ёйилган, қўйлаги ёқалари йиртилган бир алфозда кириб келади. У завжи Мироншоҳнинг ақлдан озиб қолгани, базми жамшидлардан бўшамай, маст-аластликда уни қалтаклаб урганлигини айтиб беради.

Ҳушхулкли, оқила келиннинг фарёдини эшитиб сохибқирон кўзи ёшланади, айш-ишратга берилиб, тожу тахтни унутган ўғли Мироншоҳга нисбатан қалбида қучли норозилик уйғонади.

Вазирлар, лашкарбошиларни чақириб, сафарга чиқишга фармон беради. Шу билан уч йиллик уруш бошланади. Сохибқирон қўшинлари Табризга кириб келган пайтда, Мироншоҳ хали кайфи тарқалмаган эса-да,

якин нозимлари, улфатлари, созанда, хонанда, раққосалари билан қочиб яширинади. Шунда Соҳибқирон кўшинлари Мироншоҳ ва унинг нозимлари, улфатлари, созанда ва хонандаларини саройга олиб келишади. Амир Темур халқ орасида ўғлини эллик дарра урдириб, уни йўлдан урган суҳбатдошлари Мавлоно Кўхистонийни, Қутбиддин Нойийни ҳамда Абдумўмин Гўяндани яна мақоми хофиз Абдулқодир Мароғийни ўлимга маҳкум этади. Уч айбдорни Табриз қалъасининг Қазвин дарвозасида дорга осадди. Мақом устози хофиз Мароғий эса қочиб кетади. Олий фармонга кўра, қочган хофизни излайдилар. Аммо у Миср султони ҳузурига қочгани аниқланади. Темур Кўрагоний шавкатли кўшини билан Қоҳирага юзланади. Миср султони Абдул Фароҳ озгина навкарлари билан қочади аммо, хофиз Абдулқодир Мароғийни тутиб келтирадилар.

Самарқанд. Кўксарой олдидаги майдонга бир неча дор тикилган. Тумонат халқ орасида хофиз Мароғий давлат олдидаги гуноҳи учун дорга осилиши эълон қилинади.

Машхур бастакор, хофиз, созанда ва хонанда Абдулқодир Мароғий ўлими олдидан таҳорат олиб, тўрт ракаат номоз ўқийди, сўнг соҳибқиронга вакиллари орқали мурожаат қилиб, Қуръон тиловатига рухсат сўрайди. Соҳибқирон Қуръони каримни яхши кироат билан ўқийдиганларни севиши барчага маълум эди.

Хофиз Мароғий бошига келган ўлимга рози ҳолда астойдил Аллоҳга муножот қилиб тиловатини бошлади. Оташнафас хофиз кироати билан сураи Таборак янгради, юраклар сел бўлиб окди. Тахтада хомуш бўлиб ўтирган Соҳибқирон кўнглида қаҳр-ғазабдан асар ҳам қолмади. Соҳибқирон маҳбус томон юриб кўзида ёш билан яқинлашиб, тиз чўкиб турган хофизни турғазиб, бағрига босади ва оқ рўмолчасини силкитиб, жаллодларга «кетинлар»

ишорасини қилади. Соҳибқирон ва хофиз Мароғий бир-бирларини чин дилдан дуо қиладилар. Бу мурувват ва шафқат сўзларига кўкдаги фаришталар ҳам омин деб, уни Аллоҳ даргоҳига етказадилар.

«Бобурнома»ни варақлар эканмиз, XI-XVI асрлар Марказий Осиё минтақасида расм бўлган анъанавий томоша санъатининг кўпгина турларидан воқиф бўласиз.

Масхара, таклид, мутоиба, рақс, гўяндалик, муаллақ, пойи чўбин (ёғоч оёқ) куштигирлар (кураш), кабоҳ ўйини, чавгон, тирандозлик, (ўқ-ёй отиш), кўчкор, туя, фил, кийик уриштиришлар, маймун ўйнатиш, шантранж ва нарда ўйинлари шу жумладандир.

Шундай кулгули ўйинлардан бири 1502 йилда Хўжанд дарёси бўйида бўлиб ўтган экан. Яна Қобул ёнидаги Гулгина деган хилват гўшада ҳам 1504 йил Бобур ўз яқинлари билан неча вақт галабаловандлик қилади. Яъни кулги, ўйин, шўхликка берилади, масхарабоз ва муқаллидларнинг чиқишидан завқланади.

«Бобурнома»да яна бир шалойин ҳақида гап боради. Бу аёл киши — хул-хул, яъни энагадир. Гап шундаки, Бобур Қобулдаги Боғи Бинафшадан чиқиб эрта тонгдан Турдибек ҳокисор деган маҳрамнинг назарига боради. Ўтиришда оти номаълум рубобчи соз чалган, Шоҳи Қаландар хофизлик қилган. Хул-хул кулгили ҳикоятлардан сўзлаган. Бобурнинг «Хул-хул энага менга бисёр Шалойинликлар қилди», деган гапи қисман шуну билдиради. Ҳиротдан, Самарқанддан, Балхдан ва бошқа шаҳарлардан кўпгина санъаткорлар ташриф буюрган, шоирлар, мусаввирлар, созандалар, гўяндлар, масхарабоз ва полвонлар ҳам Бобур хизматида бўлишган. «Бобурнома»да бунга далиллар кўп. 1502 йилда Ҳиротдан Қобулга Фиёс масхарабоз келган ва Бобур Мирзонинг бир-икки мажлисида хизмат қилган. Чунончи, Фиёс масхарабоз

Бобуршоҳнинг рухсати билан Шоҳ Ҳасан Шоҳбек томонидан унинг шарафига уюштирилган зиёфатда ўз санъатини намойиш қилади. Зиёфат Чинор боғида бўлиб ўтган ва унда Бобур Мирзо, Ҳожа Муҳаммад, Али Шоҳ Ҳасан ва яна бошқа беклар қатнашган.

Ушбу қисқа маълумотдаги баъзи тафсилотларга қараганда, унда ўн икки киши қатнашган. Нағма аҳли хизмати қилиб бўлиб, ташқарига чиқиб алоҳида ўтирган. Фиёс масхарадан олдин созанда ва хонанда хизматда бўлганлар. Бобурнинг «Сўнгра Фиёс масхарабоз келди», дейиши шунга ишорадир. Фиёс масхарадан кейин эса Турди Муҳаммад Кипчоқ билан Мулло Китобдор таклиф қилинган. Бобур ҳар иккаласи билан ўзаро савол-жавоб қилиб, мажлис аҳлини кулдирган бўлса керак. Аммо базм марказини барибир Фиёс масхара эгаллаган. Шу боис, унинг номи алоҳида қайд этилади. Хўш, Фиёс масхара Бобур Мирзо ҳузурини нималарни ижро этган...

Алишер Навоий Фиёс масхарани ўзининг «Мажолис-ун нафоис» асарида ҳурмат билан Сайид Фиёсиддин деб тилга олади. Унинг ёзишича «Фиёс масхарабоз машҳадлик аслзода, мулойим кишидур, шоирликдан ҳабари бор». Навоий унинг бир матлаъсини мисол келтиради.

Фиёсиддин оддий ҳазилқаш, қизиқчи эмас, балки туғма, малакали мумтоз масхарабоздир. «Шўхликдан файласуф вали» деган ибора, «Мазах» ва «Мутойиба» атамалари шундан далолат беради.

Соҳибқирон саройида, умуман, Темурийлар даврида санъат, маданият юксак даражада ривожланган. Бирок санъатнинг айш-ишратга айланиб кетишига йўл қўйилмаган. Темурийларнинг ҳар бири давридаги сарой маданияти алоҳида илмий мақолаларга асос бўлади.

О.Файзпев,
Навоий давлат
педагогика институти
профессори

Уни кўпчилик танийди. Биров «Юнусобод туманидаги 274-умумтаълим мактабининг энг жонкуяр муаллимларидан бири», дея таърифлайди. Яна биров «Халқ таълими фидойиси», «Халқ маорифи аълочиси» унвонлари соҳибаси, «Соғлом авлод учун» ордени нишондори, деб сифатлайди.

Кимдир «Маърифат» газетасининг жонкуяр муҳбири, деса, яна кимдир ўқитувчиларнинг шаҳар, республика миқёсида ўтадиган барча маънавий-маърифий тадбирларининг фаол иштирокчиси, фаол ташаббускори дея атайди. Барча таърифлар бир нуқтада — зиё тушунчасида тугашади. Маҳмуда Валиева асл маънодаги зиёли маорифчиларимиздан. Биз у билан кўпинча китоб дўкони ё кутубхонада учрашиб қоламиз. Маҳмудахон аксарият аёлларга ўхшаб: «Вой, сумкангизнинг ранги зангорига тўғри келмабди» ёки «Фалончи қизига мана бундай сеп берибди», дея гап бошламайди. Оғир сумка (ичи тўла китоб бўлади)ни у қўлидан бу қўлига олиб:

— Қутлибека опа, Луқмон Бўрихоннинг «Жазирамадаги одамлар» асарини мазза қилиб ўқидим. Улуғбек Ҳамдамнинг «Мувозанат» асаридан сўнг соғиниб юргандим, шунақа асарни, — тарзида гап қилади.

— «Ўзбек модерн шеърляти» тўпламини 8 марта ўқиб чиқдим. Охирги иккитасини бип-бинойидай тушундим. Бошида шоирлар ичида фикрлаб, ҳар қаер, ҳар қаерида, овоз чиқариб ёзилгандай таассурот қолдирди менда. Фикрларда изчиллик, мантиқий боғлиқлик йўқдай туюлди. Сўнг билсам, оҳанглар, ҳатто, товушларда ҳам мантиқ бор экан...

Менга Маҳмудахоннинг бундай фикрларини эшитиш жуда ёқади. Баъзан атайлаб баҳсга чақираман. Чунки баҳс чоғида мактаб, маориф соҳасидаги баъзи муаммолар юзага қалқийди.



Сепига... КИТОБ

очерк

— Ўқитувчи касбининг қадрли тушиб кетаяпти, деган гап кўп айланади. Оила даврасида ўқитувчи, устозлар ҳақида доим ҳам яхши гап айтиладими? «Бири икки бўлмайди», «Косаси оқармайди» деган беписанд гаплар кирмайдими бола қулоғига? Ўқитувчи қадрли бу илм қадрли, зиё қадрли...

Маҳмудахон бу гапларни ўзини намойиш қилиш учун гапирмайди, юрак-юрагидан куйиниб айтади. Мен унинг фикрларига муносабат билдириб, гоҳ иқрор кайфиятдан инкор кайфиятга ё унисидан бунисига ўтарканман, кўз олдимга Навоийнинг бир байтига бутун ёзганларини алмаштироқчи бўлган Лутфий ҳазратлари ёки Чингиз Айтматовнинг «Биринчи муаллим» қиссасидаги кўпириб оқаётган сойдан толиб болаларини бир-бир кўтариб ўтказаётган Душан муаллим келади. Бу тасаввурларимда мутлақо муболаға йўқ. Маҳмудахон Валиеванинг ҳам бутун ҳаёти, яшаш шарти — болалар. Уларнинг ўқиши, уларнинг камоли. Мен баъзан олис-яқинларда: «Чинакам муаллима, замонавий муаллима, озодлик муаллимаси шундай бўлиши керак», десам, «Ҳа, энди ҳар кимга худо ҳар нарсадан беради», дейишади. Тўғри, худо Маҳмудахонга зеҳн, зийраклик, ақлу заковат берган. Қолганини ўзи заррама-зарра меҳнат, ўқиш, ўрганиш билан йиққан. Қуш уясида кўргангани қилади, деганларидай бу фазилатлар асоси — оила, она.

— Биринчи ўқиган китобим марҳум ёзувчимиз Ўлмас Умарбековнинг «Олтин япроқлар» деб номланган ҳикоялар тўплами эди. Бир ўтиришда ўқиб чиққанман. Бошқача бир дунёга киргандай бўлганман. Ҳеч ўша кайфиятдан чиқиб кетгим келмаган. Биров билан гаплашсам, китобдан олган ширин таассуротларим чайқалиб кетадигандай қўрқардим, — дейди Маҳмудахон. Бу кайфият унда ўткинчи кайфият бўлмасди. Тенгдошлари олма, ўрик дарахти остига бориб хаёллар суришганда, кимнингдир сирли нигоҳидан қизаришганда Маҳмудахон бир чеккага ўтиб, Одил Ёқубовнинг «Биллур қандиллар», «Муқаддас» асарларини, Чингиз Айтматовнинг «Жамила», «Сарвқомат дилбарим» асарларини қайта-қайта мутолаа қиларди. Оноиси, дадаси, акаси, ҳатто келинониси Маҳмудахонга китоб ташишарди.

— Сепига сандиқ, якандоз эмас, китоб қиламиз, шекилли, бу қизнинг... дея ҳазиллашишарди. Ҳақиқатдан, шундай бўлди. Маҳмудахон талабалигида китобхонлик дардини кўпларга «юқтирган» эди. Пахта пайтлари ҳамкурсларини уччаноққа туширса (шундай ўйин бор, «уччаноқ» ўйнаганлар, сўралган пайтда уччаноқли пахтани кўрсатиш керак. Кўрсатмаса, ютқизган ҳисобланади) нуқул «Шарқ юлдузи» журнаliga бир йиллик обуна ёки Хемингуэйнинг тўла асарлар тўплами каби шартларни айтарди. Шу тарзда ўзининг йиққанлари, дўсту дугоналар, оила аъзоларининг совғаси — ҳаммаси бўлиб 2000 талар атрофида китоб тўпланган

эди. Тўйдан сўнг барча ёш келинчаклар кийим-кечакни ортмоқласа, Маҳмудахон китобларини ташиди. Ва бу яқинларида ҳеч қандай ажабланиш уйғотмади. У китобдан фақат завқ эмас, билим, ақл, донишмандлик, ҳаёт сабоқлари — ҳамма-ҳаммасини олгани учун ўқувчиларга китоб ўқитишни фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айлантирган.

— Китобга қизиқиш туғма бўлиши керак, бундай туйғуни уйғотиш қийин, дейишади. Бу фикрга қўшилмайман. Университетда ўқиганимизда устозимиз профессор Умарали Норматов йил бошидаёқ адабий асарлар рўйхатини берарди. Рўйхатнинг 75 фоизидан кўпини ўқиган талаба имтиҳонга кириш ҳуқуқини қўлга киритарди. Мен устозга эргашдим, — дейди Маҳмудахон.

Ўз навбатида у китобхонликнинг янги-янги усулларини кашф этди.

«Ёзувчи дарси» ташкил этди мактабда. Республиканинг таниқли ёзувчи, шоирлари келиб дарс ўтишди унинг мактабида. Дарсдан аввал ўша ёзувчи ижодидан ўрганиш, савол-жавобга тайёрланиш учун ўқувчилар китоб ўқиши шарт эди. «Менинг севимли ёзувчим», «Менинг севимли асарим» мавзуларидаги иншоларга муаллима юқори балл қўйгани учун ўқувчилар эҳтиёж туфайли китоб ўқийдиган бўлишди.

— Агар синфимда йигирма бешта ўқувчим бўлса, шундан бештаси ҳақиқий китобхон, қолган йигирматаси ҳеч йўқ деганда уч-тўрттадан китоб, жуда бўлмаганда газета ўқийди.

Чунки Маҳмудахон Валиеванинг адабиёт дарсларида «Газета шарҳи» деб аталувчи алоҳида бир қисм ҳам бор. Газетхонлик ҳам зиё даражасини белгилайди. «Э, ҳамма газеталар

бир-биридан кўчириб босади. Ёки ҳаммаси оддий, жўн воқеалар...» дея қўл силтаб қўйган билан одамнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари юксалиб қолмайди. Бирон нарса ҳақида аниқ хулоса чиқариш учун уни ўқиш, билиш керак. Ҳатто баъзан ўта жўн туюлган хабарлар ҳам кишига фикрлар бериши, тўғри хулосаларга ўргатиши мумкин. Шунинг учун Маҳмудахон Валиева китобга ўргатишнинг барча йўлларида фойдаланади. Бир пайтлар йигитларимиз узоқ-узоқларга ҳарбий хизматга кетардилар. Аксарияти китоб ўқимагани учун уч-тўрт жумлани ҳам қовуштириб ёзолмас, ойлаб дилбандидан келадиган бир парча мактубга кўз тутган оналар «Салом, хайр»дан бўлак ёзувларини кўрмай, дили кемтик бўлиб қоларди. Энди-ку, болаларимиз ўз Ватанимизда хизмат қилишади, узоққа боришмайди. Аммо, барибир, хат ёзишни билишлари керак. Ёзувда ўз ҳиссиётларини чиройли ифодалаш ҳам маданият мезони. Шунинг учун Маҳмудахон ўқувчиларга кундалик туттиради. Отабекнинг Кумушбибига, Кумушбибининг Отабекка ёзган мактублари, бошқа гўзал хат намуналарини кундалик дафтарларига кўчиртиради, хатлар ёзишга ундайди. Мен ҳам ўрта мактабда муаллимлик қилганман. Болаларни ҳеч қачон шеър ёдлашга мажбур қилмасдим. «Шоир бу шеър билан нима демоқчи, маъносини айтиб бер», дердим. Маҳмудахоннинг бу борада ҳам ўз услуги бор:

— Мен газаллар, рубойиларни ёд олдираман. Майли, ҳамма ҳам шеър, газал моҳиятини кўнгилдагидай англайвермайди. Аммо сўзларнинг суврати хотирасида муҳрланиб қолади. Тасаввурлари, хотирасида гўзал сувратлар аксланиб турса, буям



ўзига хос бир гўзаллик, — дейди Маҳмудахон.

Бир пайтлар онаси, кейинчалик қайнонаси Маҳмудахонга айтадиган гаплари бўлса, у ўқийдиган китоблардаги баъзи фикрларнинг остига чизиб қўйишарди. Шу тарзда қизи, келинини ўзларича тарбия қилишарди. Бугун Маҳмудахон ҳам ўзга хонадонга бориб, келинлик бурчини ўтаётган қизи Гулюзнинг китобларидаги баъзи жумлалар остига чизиб қўяди. Биладики, қизи бу жумлаларни ўқийди.

Ҳа, бир қарашда китоб икки муқова орасига олинган қоғозлар тўплами. Аммо у ўзини севган, қадрлаган қўлга тушса, бутун бошли бебаҳо бойликка, ҳаёт эҳтиёжига айланиши мумкин экан. Бу, ҳаётда кўп бор исботланган ҳақиқат. Ташқаридан қараганда, оддийгина ўзбек зиёдиларидан фарқ қилмайдиган, ортиқча пардоз-андозсиз, зеб-зийнатсиз муаллима синглим Маҳмудахон Валиева фаолияти ҳам бу ҳақиқатни тўла исботлайди.

**Қутлибека
РАҲИМБОЕВА**

Қалб тўла Наводлар

Табиат баъзида инсонларга шу қадар юксак саховат, қобилият инъом этадики, унинг санъатидан руҳий ва маънавий озуқа олган ҳар бир тингловчи бундай юксак истеъдодга нафақат таҳсинлар айтади, балки бу санъаткорларнинг фидоий мухлисига айланади.

Ўзининг 40 йилдан ортиқ сермахсул ижодий фаолияти давомида ўзбек мусиқа маданияти тараққиётида, ижрочилик санъатининг ривожланишида салмоқли ҳисса қўшиб келаётган серқирра ижодкор ва ажойиб созанда Тоҳир Ражабий шундай истеъдод эгасидир.

1946 йили Тоҳир Ражабий Тошкент шаҳрида, ўзбек халқининг ардоқли ҳофизи, бастакор Юнус Ражабий оиласида таваллуд топди. Унинг қалбида санъатга бўлган илк ҳаваси оила шароитида таркиб топди. У ўспиринлик ва ёшлик давридаги кундалик лавҳалар ҳақида хотирлаб, уйларининг доимо машҳур ёзувчи ва санъаткорлар билан гувжум бўлиб, уларнинг қизгин баҳс мунозалари, навоийхонлик, гоҳ ҳофизхонлик қилишлари, давра суҳбатларини, улар ижросидаги сержило куйларни, дилрабо қушиқларни бир бурчакда ўтириб тинглашларини энг ноёб ва унитилмас дақиқалари деб ҳисоблайди.

Мусиқага бўлган ҳаваси Тоҳир Ражабийни 1958 йили Глиэр номидаги мусиқа мактабига чорлади.

Мактабда ўқиётган давриданоқ у ижрочиликнинг турли усул ва йўллари, чалиш кўникмаларини ўзлаштирди. 1964 йил мусиқа мактабини тугаллаб, Тошкент Давлат Консерваториясига ўқишга киради. Консерваторияда ўзининг кўп йиллик ўқитувчилик

фаолияти давомида талайгина шогирдлар тайёрлаган истеъдодли муаллим профессор Ф.Н. Василев синфида таҳсил олади. Ўқиш даврида

у ижрочилик маҳоратини ошириш мақсадида кўп ижодий изланишлар олиб боради. Ўша пайтлар Тоҳир Ражабий Алишер Навоий номидаги катта опера ва балет театри оркестри жамоасига ижрочи сифатида ишга таклиф қилинади. Бу таклифни Тоҳир Ражабий ўзига билдирилган ишонч деб қабул қилди.

Маълумки, ижрочилик санъати тараққиётида янги босқичлар ва йўналишларнинг шаклланиши, ҳар бир ижрочи олдида муайян вазифани кўяди. Тоҳир Ражабий иқтидори, туфайли самараларга эришиб, бу борада ижрочи санъаткорлар вакилларига намуна бўла олди. У нафақат мақом куйларидан намуналар, аynи пайтда бошқа халқлар куйларини ҳам ўзига хос жозиба ва миллий руҳда талқин этди.

У Польша, Венгрия, Чехославакия, Германия, Белгия, Ироқ, Испания, Норвегия каби жуда кўп хорижий мамлакатларда концерт сафарларида бўлиб яккахон созанда ва ансамбл жамоаси таркибида чолғучи сифатида иштирок этиб, мусиқа ихлосмандларига ўзбек миллий мусиқа санъатини намойиш этди.

Дони Зокиров номидаги Ўзбекистон телерадиоси қошидаги Ўзбек халқ чолғулари оркестрида ишлаётган даврлари унинг ижодий ва саҳнавий чиқишларидаги фаолиятининг юксалиши эди. Бу вақтларда у Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси тўлқинлари орқали турфа ижод намуналарини тақдим этди.

Тоҳир Ражабийни серқирра санъат соҳиби деб бежиз номламадик. Унинг созандачилик фаолияти қўшиқчилик санъати билан бойиб борди. Халқимизга дилрабо қўшиқлар туҳфа этиш ниятида магнит тасмаларига ёзилган «Гиря», «Баёт 1,2»,

«Ушшоқ», «Қашқарчай ушшоқ», «Чапандози қаландар», «Сарпарда», «Насруллои», «Кўчабоғи 1,2» каби бир қатор ўзига хос оҳангларда ижро этилган қўшиқларни радио тўлқинлари орқали мумтазам тинглаймиз.


Унинг ижодий фаолиятидаги яна бир муҳим жиҳат Ўзбекистон радиоси эстрада оркестр жамоаси билан ҳамкорлигидир. Бу жамоада ҳам кенг ижодий изланишлар олиб борди. Пеграннинг «Шуберт сояси, А.Латифзоданинг «Рубоб ва оркестр учун куй», Д.Омонуллаеванинг «Болича», «Ёмғир ёғди» А.Назаровнинг «Нафосат», «Соғинч», А.Икромовнинг «Муҳаббат тонги», «Юракларда яшар муҳаббат», С.Уондернинг «Менинг севгилим», И.Акбаровнинг «Ёр кел», Е.Живаевнинг қайта ишлаган руминча «Тўрғай» куйи ва шу каби бир қанча асарларни рубобда яккахон ижрочи сифатида ижро этди.

Тоҳир Ражабий Муҳаммаджон Мирзаев каби устоз санъаткорлар билан ҳамнафас бўлиб ишлаш, суҳбатини тинглаш шарафига муяссар бўлиш билан бирга уларнинг илмидан, кўрсатма ва маслаҳатларидан баҳраманд бўлди, ўзида мужассам бўлган чексиз иштиёқ туфайли уларнинг илмини ўзлаштирди ва давом эттирди. Муҳаммаджон Мирзаев ижодидаги мусиқа санъатининг энг дурдона асарларини қалбига жо қилди.

1990 йилда Тоҳир Ражабийнинг кўп йиллик ижодий фаолияти, ўзбек санъати ижрочилик мактабининг шаклланишидаги беқиёс ҳизматлари инobatга олиниб, давлатимиз томонидан шарафли — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони билан тақдирланди.

Биз серқирра ижод соҳиби, ўзбек санъатида бетакроп ютуқларга эришаётган сеvimли созандамиз ижодларига самимий баркамоллик тилаб қоламиз.

Б.А.Мирпаязов
Ўзбекистон Давлат
консерваторияси катта
ўқитувчиси



ОТА ҲОВЛИМ — ҚЎРҒОНИМ ҲОВЛИМ

АЁЛ УТИБ БОРАР

Сен сўрама, мен ҳам айтмайин,
Курагимнинг синганини қарс.
Шовқин солма, мен уйғотмайин,
Юрагимда ётар бир йўлбарс.

Баланд бир ўт ёнган ичимни
Мен совутиб яшашим керак.
Ўз-ўзимга сарфлаб кучимни
Мен овутиб яшашим керак.

Аёл ўтиб борар, шўх юриб,
Шамолларда соч ёйган аёл
Ич-ичида йўлбарс ўкириб
Сиртдан майин жилмайган аёл.

ОТА ҲОВЛИМ

Анор офтоб ёққа юз бурган,
Шафтолисн гули нимпушти.
Сен отамнинг юзини кўрган
Сенга онам излари тушди.

Ота ҳовлим — кўрғоним, ҳовлим,
Жондан азиз кўрғоним, ҳовлим,
Айвонлари иссиқ, аёвлим,
Ёдга отам сўзлари тушди.

Аввал отам кетди тобутда,
Кейин онам ўтди булутдай.
Ўтирсам-да, сиртим сукутда
Дилим ёнди, бўзлади, тушди.

Ҳовлидаги бир ариқча сув
Ариқчага йиғладим дув-дув.
Эридими, билмадим, ёху
Сувга ёшим тузлари тушди.

Боғдан отамнинг саси келди,
Уйдан онамнинг исн келди.
Музтарим келди, мунисим келди
Ёдга онам кўзлари тушди.

Эсга тушди қирда, қияда
Юрганлари отда, туяда.
Сўнг гингиллаб офтобўйда,
Ип йигирган кезлари тушди.

Ота ҳовлим — кўрғоним, ҳовлим,
Жондан азиз кўрғоним, ҳовлим,
Айвонлари иссиқ, аёвлим,
Ёдга онам кўзлари тушди.
Ёдга отам сўзлари тушди.
Дилнинг соғинч музлари тушди...

ЙЎЛДАДИРМАН

Ўттиз йилим ўтди интизорликда...
Андрей Вознесенский

Сиз кутасиз. Менам бораман.
Учиб бородурман худди ўқ.
Фақат... олдин хат юбораман,
Ўша хатни ёзганимча йў қ.

Кўнгил ичга тўкиб борини,
Бир йил, ўн йил ўтди, бу кўпми?
Айриликнинг алафзорини
Биргалашиб ўрамиз, хўпми?

Йигирма йил, ўттиз йил ўтди,
Кўзингизга малол инмасми?
Ўттиз йиллаб говлаган ўтни
Ўрар чоғи чалғи синмасми?

Қирқ йил ўтди. Мен тез бораман,
Ранжимангиз, гувоҳ еру кўк!
Фақат олдин хат юбораман
Хатни... ҳали ёзолганим йўқ.

Учиб бородурман худди ўқ,
Бу ҳолатни қандай шарҳлайман.
Борган сари ўрмонзор куюқ,
Мен куйиниб чалғи чархлайман

Сиз кутасиз. Менам бораман...

ДЕМАККИ, СЕН ШОИРСАН

Нафақат...
Ўтсанг ёзиб,
Куз янглиғ сўлиб, озиб,
Бозиллаган чўғ босиб
Кўрдаям ҳайқиролсанг,
Демакки, сен шоирсан.



Олтинми
Ё олмосда,
Тигда юролсанг, рост-да,
Итқитса, оёқ остда,
Тўрдаям хайқиролсанг
Демакки, сен шоирсан.

Нафақат кўтарса халқ,
Кўксингдан итарса халқ,
Пешонанг номакоб, талх,
Шўрдаям хайқиролсанг,
Демакки, сен шоирсан.

Нафақат
Зар, зўрларни,
Узсанг, тўсин, тўрларни,
Чайқалтирсанг гўрларни
Гўрдаям хайқиролсанг,
Демакки, сен шоирсан.

ЕРДА ҚОЛГАН СЎЗЛАРИМ

Ўзни урдим ўтга-ю чўққа,
Кимга ботдим,
Ким менга ботди.
Гоҳ байроқдай юксалдим кўкка,
Гоҳо поймол ерларда ётдим.

Давом этгай ҳали бу жангим,
Бас келгайман зару зўрларга,
Қанотимдан айирма, тангрим,
Киргунимча қаро гўрларга.

Кирганда ҳам тинмас бўзларим,
Бўлгай улар шараф ё шарар.
Менинг ерда қолган сўзларим
Болаларни кўкка кўтарар!

ТОШ ЯХШИ ЯШАР

Сарғаямиз сабрсизликдан,
Ёмғирсизлик, абрсизликдан.
Қийналамиз жабр, сўзликдан,
Сабр ила бардош яхши яшар.

Бир кун қувонч, бир кун келар
Ғам,
Бормиди-ей, ўчмайдиган шам.
Ўтгач, нарғи дунёсида ҳам,
Эгилмаган бош яхши яшар.

Нони ярим, йўлига боқиб,
Жони ярим, тунларда... оқиб,
Ёлғизликни севиб, ютоқиб,
Ким айтар, кундош яхши яшар.

Ишқни излаб сарсону дайди,
Абад келмасларни кутмайди.
Ишқи ниҳон гўрга кетмайди,
Биздан кўра тош яхши яшар.

«ИНЖУЛАР» КИТОБИДАН

Тушундим дунининг кўп оғамларини,
Аллақачон ўчган бахт шамларини.
Улар умр бўйи кун-тунни улаб,
Майхонада ювар кир, ғамларини.

Қуёш, сув бергансан гада, тузга ҳам
Дашту сахрога ҳам, қумлоқ, бўзга ҳам
Эй Худо, дунёда яшаши учун
Бир парча умид бер умидсизга ҳам.

Сўзладим. Сўзим дур, асслар келди,
Сўзимдан бир чечак, бир гуллар келди.
Энди боққа кирсам, шовуллар хазон,
Менга ҳам ўй сурар фасллар келди.

Ҳаётимни таҳлил қилиб бир лаҳза тиндим,
Қамишни кузатиб туриб, қаттиқ ўқиндим.
У бўронда юз эгилди, юз тикланарди,
Шу қамишча тадбирим йўқ, эгилмай синдим.

Менам ўз-ўзимча роз айтдим, кетдим,
Не айтдим, ўзимга хос айтдим. Кетдим.
Бу дунёга келиб бор қилган ишим —
Бир икки сўз айтдим. Рост айтдим, кетдим.

Нола қил, ёр турсин сен турғунингча,
Пойига гуллар эк, улгурғунингча.
Дурдоингни ёри содиққа ўптир,
Бир кунни тунроққа ўптиргунингча.

Қайтадан босилмас бизларнинг бу из,
Қайтадан бу отга елолмаймиз биз.
Қайтадан навбатга тизилолмаймиз,
Қайтадан бахт сўраб келолмаймиз биз.

Дунёсига боқсам, уқиб сирларни,
Қўнгли кирлар топар қўнгли кирларни.
Беш кун мусофиримиз бу дунёда, лек
Мусофирлар тилар мусофирларни.



Ҳалима Худойбердиева

Ўзбекистон халқ шоири

Кетган кетаверар қатор олдида,
Бор соғлар чекингай бир тор олдида.
Дунёнинг бор аттор, савдогарлари
Ҳеч ким... Фаридуддин Аттор олдида.

Тўртта дўст. Бир-бирин хушлашди улар
Бир-бирларин маҳкам ушлашди улар.
Ўртага бир суяк ташланди, ёраб,
Қопагон итлардай тишлашди улар.

Бу хаёл босган толми, терақмиги, худойим,
Бу шамолларим ғамдан дарақмиги, худойим,
Икки кўзим булоғи тицмай оққани оққан,
Менга шу икки булоқ керақмиги, худойим.

Дарё, сен ёйилиб оқ. Мен ёйилолмадим ҳеч,
Менга гул узатмади бу дунёи қадим ҳеч.
Шайхга қанча эгилсам, шунча ерга киргизди,
Мурид эмас қул бўлдим, тикланмади қаддим ҳеч.

Кетсам, дунёнинг оққуш, турналарига кетсам,
Ё етти қават зиндон, ернинг қаърига кетсам.
Келдим, ҳар хужайрамни ўтга қалаб қул қилдинг,
Энди мен кетсам бўлди. Сендан нарига кетсам.




Саратон кунларидан бирида биз бир гуруҳ талабалар сўлим Бахмалнинг Оққўрғон қишлоғига кириб борар эканмиз, йўлнинг ўнг тарафидаги ўнгирда келинларнинг оқ ҳарир либосларини эслатувчи қийғос гуллаган гулхайризорга, олмалари қип-қизил рангга кираётган боғларга, қирларда эса ҳайқириб бўғдой ўраётган комбайнларга кўзимиз тушди. Табиатга шу қадар сеҳрланиб қолганимизни машинамиз тўхтагандан сўнг ҳис қилдик.

Гулхайризор адоғидан Оққўрғон хонадонлари бошланиб кетган. Шу жойда, сой бўйидаги сув

Оллоҳ кўп ранглар ва товушларни биздан сир тутган

эмасми, бирор совға-салом ҳам олмабди, унинг зийраклиги вазият танглигидан қутқарди: у соҳилда чаман гуллаб турган гулхайри шодаларидан бир гулдаста ясаб, қўриқ билан боғлади. Осмоннинг ҳижоби ёпилди, чумчуқлар ёр келаётганидан дарак беришди. У оҳиста-оҳиста йигит ёнига тушиб келди. Ҳар иккиси унсиз бир-бирига яқинлашди...

...Тўйдан сўнг муҳаббатли оила аҳил яшай бошлади. Ҳайрихон Бахмал адирларида кўп



ГУЛХАЙРИ

ТОҒДА ЯРАТИЛГАН ВОҚЕИЙ ҚЎШИҚ

тегирмонининг сал куйироғида Мирзо исмли йигитнинг ҳовлиси бор. Шу йигит ва унинг оиласи машинамиз радиосида шу тобда янграб, барчамизни ўзига мафтун этаётган қўшиқнинг яратилишига сабабчи эканлигини шаҳарлик сайёҳлар қаердан билсин? Хонанда бир муҳаббат тақдирини ёниб куйларди:

**Ҳе-е-ей! Бу замин у сарҳадларда,
Йўқ сенингдек чиройли,
Дилим оҳу зорин айтсам
Мен Мажнунман, сен Лайли!
Эй, Гулхайрижон, жон Хайри,
Менинг билан қол, Хайри!**

Оққўрғонлик мулла Умар бобо кексайганда бир ўғил, бир қиз кўрганди. У ҳосил бўлган муродини хайрли бўлишини истаб, ўғлининг исмини Турдимурод, қизнинг исмини Хайрихон қўйди. Қизи Хайриниса сўзга чечан, ақлли эди. Тақдир бу тоғ қизига ажиб бир чирой, айрича бир ҳусн бахш этди.

Мирзо бу қизни севиб қолиб, муҳаббат изҳор қилганида, дастлаб у кўнмади. Мирзога доим омад кулиб боқарди. У бахтли бўлишига ишонарди. Хуллас, Хайрихонни шомдан сўнг сой бўйида учрашувга кўндирди. Қишлоқнинг содда йигити

ўсувчи ўзининг «адаш»и бўлмиш гулхайрини тўй арафасидаги учрашув боис яхши кўриб қолди. Дилга мусаффолик, қалбга уйғоқлик бахш этувчи бу ёввойи гулнинг бир неча жуфти ҳамиша севишганлар ҳовлисида ва чорбоғида очилиб турарди. Ҳатто у қизларининг исмларини ҳам гулларга уйқаш қилиб, Гулноза, Гулшоода, Сафаргул деб қўйган. Унгача эса...

Пайти келиб Мирзо шаҳарга ўқишга бормоқчи бўлди, севгилисидан рухсат сўради. У рози бўлди. Ўқиш тугагач, тақдир уларни Мирзачўлга отлантирди. Шундай сўлим қишлоқни ташлаб, чўл-биёбонга кетиш Хайрига ёқмай турган бўлсада, эрини шаштидан қайтармади. Чўл марказидаги 6-совхозда истиқомат қилдилар. Орадан бир неча йил ўтгач, Мирзо уйига яна хушхабар билан келди: “Бизни мутахассис сифатида Африкага — Мозамбик давлатига юборишмоқчи, розимисан”, деди. Ер шарининг нариги тарафида бир неча йилга кетиш бир этак болаларнинг онаси учун жуда оғир эди. Яна юртдан айрилиқ... Шу топда унинг юрагида бир санчиқ турди. Хайриятки, тезда ўтиб кетди. Олис юрт иштиёқида бўлган йигит рафиқаси юрагида кечаётган ҳиссиётларни қаёқдан сезсин. Лекин

Хайрихон унга оқ йўл тилади. Сафар пайти туғилган қизчага Сафаргул деб исм қўйдилар.

Икки йиллик Мозамбик сафари ҳам ортада қолди. Уларга соғ-омон ўзларининг юртларига — Бахмалга кўчиб келиш насиб этди. Бу ерда туғилган қизига Насиба деб исм қўйдилар.

Хайрихон 40 ёшдан ошганида хасталиги бошланди. Қўлига чиққан яра унинг дардини янада оғирлаштирди. Мирзо чуқур ўйга толди: «Хайрихон, сени толиқтирган, ўсал қилган мен эмасми? Мен сени бир неча марта ёлғиз, фироқ дардида қолдириб кетганман. Кечиргин. Фақат мени ташлаб кетма!»

«Сиз ҳамшиша хизмат юзасидан кетгансиз, ўзим рози бўлганман. Бунга фарзандларимиз гувоҳ. Энди сафар навбати менга. Сиз ҳам мендан рози бўлинг...» у ортиқ гапиришга куч тополмай қолди. Мирзо қулоғини базўр пичирлаётган Хайрихоннинг лабларига яқинлаштирди. Ундан Гулхайри ифори димоғига урилди.

Бу яқин ўтмиш ҳикоясини қишлоққа киришда эшитдик. Оққўрғон ва Донғира ҳудудлари ўртасидаги кенгликлар, атрофдаги қирлар қийғос

гулхайризорларга айланган. Донғира тепалигидан бутун Бахмал водийсига боқдик: эҳ-ҳе, бундай гулхайризорлар сон-саноксиз экан...

Мирзо йигит Мирзачўлдан қайтгач, Оққўрғон қишлоғида улкан бир боғ барпо этди. Ўтган йили бу боққа Хайрихон хотираси учун яна юз туп олма кўчати экди. Боғ четида янги гулзор барпо қилди. Ҳовлига гулхайри уруғини сепиб чиқди. У аини пайтда қийғос очилиб турибди.

Ҳа, Мирзо «Менинг билан қол, Хайри!» дея худонинг зорини қилса ҳам, Хайрихон қолмади...

Агар Бахмалга йўлингиз тушиб қолса, Мирзо Назаровлар хонадонига меҳмон бўлиб, яйраб ҳордиқ чиқариб кетинг. Йилнинг қайси фаслида борманг, хонадон соҳиблари ўша гулзор ичида кутиб олади, «Оҳ, гулхайри» қўшиғи доимо янграб туради.

Хе-е-ей...

Бугун Бахмал даҳасига
Бошланади қиз сайри.
Дурқун қизлар орасига
Севағаним бор — Гулхайри.
Хе-е-ей, Гулхайрижон,
Гулхайри,
Сен улاردан қол айри!

Хе-е-ей...

Ҳу адирлар ўнгирига
Зап гуллапти гулхайри.
Новдаларинг бироз эг-да,
Ёрим яширгил, майли!
Хей, Гулхайрижон, Гулхайри.
Сен улاردан қол айри.

Хе-ей!

Маҳбубамни ром этганча
Олиб қолди гулхайри.
Юр, мен билан қишлоғимга
Бўлмагин ёр, кўп гапри,
Оҳ, Гулхайрижон,
жон Хайри!...



Аввалбек
РЎЗИМУРОДОВ

Бир эзеин ёмеирлар ёва бошлади,
Бовечиллар сабримни сова бошлади,
Кун ҳам номозшомга ова бошлади,
Азизам, мен сени бир кўргим келди.

Юлдузлар бағридан туманлар тарқар,
Олислардан мовий осмонлар қайтар,
Юрагим ёшларин армонлар артар,
Азизам, мен сени бир кўргим келди.

Умидга кўз тутган сабрдир дунё,
Бераҳм тив тутган жабрдир дунё.
Оҳ, у дардларимга қабрдир дунё,
Азизам, мен сени бир кўргим келди.

Энди қайга бориб, қайга кетарман,
Сенсиз кунларимни кимга тутарман,
Борлиғу йўқликни энди нетарман,
Азизам, мен сени бир кўргим келди.

Бу шундай тоза ишқ, бу шундай хилқат,
Минг йил дардин чексанг — адо бўлмайди.
Тириклик неъматини у билан азиз,
Кўйида айт, кимлар адо бўлмайди.


Бу шундай тоза ишқ, бу шундай хилқат,
Борлигидан зоҳир азал-ибтидо.
Унга жон тутганлар руҳ топар фақат.
Унда завол топмас, топмас интиҳо.


Бу шундай тоза ишқ, бу шундай хилқат,
У учун дунёга келмоқ бир бахтдир.
Қўтлайман, азизим, биз учун ҳаёт
Арш томон юксалган боқий бир тахтдир.

Билмадим офтоб бир, замин бир, аммо,
Бир жойда гўл ўнар, бир жойда тикан.
Билганим — тиканнинг захри тилганда,
Гўлнинг севағисидан тополдим имкон...

Офтоб бир, замин бир, не учун, аммо,
Бир жойда гўл ўнар, бир жойда тикан.
Шу тиканнинг захри қалбим тилганда
Гўлнинг севағисидан тополдим имкон.

Рауф РАҲИМ





Халқимиз шунчалар бой маънавиятга эгаки, маданий меросимиздан жой олган ҳар бир асар ана шу маънавиятнинг юксаклигидан далолатдир. Муסיқа санъати ана шу улкан ижод уммонининг энг забардаст амалларидан бири десак адашмаган бўламиз.

Муסיқа азалдан аждодларимиз ҳаётида энг севимли, оммабоп соҳа сифатида ардоқланиб келинган. Муסיқа кўнгил амри билан ижод этилиб, дилхушликлар, кўнгил очишлар,

Шомаҳмуд Шораҳмедов.
Ўзбекистон Давлат консерваторияси
доценти



СУРНАЙ САДДОСИ

тантана-ю анжуманларни сайқаллатиб, безаб келган. Шу билан бирга мумтоз куй ва ашулалар яратилиб келинган. Ҳар қандай омма дилини, қалбини, миллий ғурури-ю эътиқодини, анъанасини ифода этувчи асар халқ томонидан ардоқланиб, авлоддан авлодга ўтиб келган. Энг нуфузлилари эса ривожланиб, уларни янги авлодлар томонидан янги-янги намуналари яратилиб келинган. Ҳар бир авлодга ўрнак бўладиган асосий намуналари эса доимо ардоқда бўлган. Ана шундай беназир муסיқий намуналарга «Насруллои», «Наврўзи ажам», «Ҳожиниёз»,

«Мирзадавлат», «Илғор», «Эшвой», «Сурнай навоси», «Муножот», «Чўли ироқ», «Дилхирож» каби ўнлаб дурдона асарларни киритиш мумкин.

Ҳар бир асар ўз ижрочиси, ҳаттоки ўз чолғу созида тараннумини мужассам этган. Муסיқий асарлар ҳам чолғулар табиатига мослаб яратилган ёки уларга хос хусусиятларни ўзида ифода этган. Бундай асарларга «Сурнай навоси», «Сато ноласи», «Дутор баёти», «Ноғора баёти», «Най навоси» каби намуналарни мисол қилсак бўлади.

Шулар орасида «Сурнай навоси» ўзининг салобат-

лилиги, туркумийлиги, халқ-чиллиги ва моҳир созандалар орасида катта обрўга эга эканлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, унинг ижроси учун катта маҳорат ва малака талаб этилади. Шу боис, бу асар азалдан донғи чиққан сурнайчилар томонидан ижро этиб келинган. Бизда Аҳмаджон Умурзоқов, Ашурали Юсупов каби забардаст сурнайчиларнинг ижролари ўрнак ва ибрат сифатида ўргатилади.

Ушбу асар ниҳоятда фалсафага бой, техник жиҳатдан мураккаб, жозибали бўлганлиги сабабли

бошқа чолгулар ижро йўлла-рига мослаб чалиш усуллари юзага келган. Айниқса, фижжақда ижро этиш жуда кенг даражада оммалашди. Комилжон Жабборов, Фани-жон Тошматов, Набижон Ҳасанов, Фуломжон Ҳожикуловлар талқинида ўзига хос ифодасини топди. Сурнай навосининг энг асосий нафас йўлини фижжақда ўзига хос ифода этиш камон усталари томонидан муносиб амалга оширилган. Сурнай оҳан-гининг текис йўналиши ҳамда товушдан товушга ўтиш мезонининг силлиқ-лигини ҳамма чолгуларда ҳам амалга ошириш мумкин эмас. Лекин куйнинг сеҳри, унга мужассам этилган беназир фоя қайси бир чолғу бўлмасин, шу чолғу соз руҳияти негизида талқин этилиши, амалга оширилиши мумкин бўлган ишлардан ҳисобланади. Ўз вақтида бу асарни қашқар рубоби ижрочиларидан бўлмиш таниқли устоз созанда Эрғаш Шукруллаев моҳирона ижро этган. Таниқли рубобчи созанда, устоз санъаткор Сулаймон Тахалов консерваториянинг устоз ўқитувчиси ва моҳир созанда сифатида ана шу ишга қўл уради. «Сурнай навоси» туркумини қашқар рубоби талқинига мослаштиришга муваффақ бўлади. Ушбу амал ўзбек созандалик анъанасига уч йўналиш бўйича ўзига хос ибрат бўлиши мумкин. Биринчи-


дан, сурнайнинг сеҳрли садосини қайсидир маънода рубобда талқин этиб, қашқар рубобининг тараннум имкониятларини намоёйиш этиш. Чунончи, қашқар рубоби чертма чолғу, ҳамда у оҳанг, сайқалларга жуда бойдир. Иккинчидан, қаш-қар рубоби ижрочисининг сурнайга хос оҳангларни тарата олишини кўрсатиш. Рубобнинг пардаларида ҳам **1 «тон»**гача бўлган «кашиш» сайқалларини меъёрига етказиб ижро этишнинг имконияти мавжудлигини намоёйиш этиш. Учунчидан, бу асар қашқар рубоби бўйича сабоқ оладиган ҳар бир академик лицей ёки коллежлар ўқувчилари, олий таълим тизимида сабоқ олаётган талабалар учун забт этиш зарур бўлган чўққидир, яъни мукамалликка интилаётган ҳар бир шогирдга ўзини кўрсатиш учун имконият. Шу боис, ушбу туркумий асар қашқар рубоби ихтисослиги ўқув дастурига киритилгандир.

Сурнай навоси асосий ва унга қўшимча қисмлардан иборат бўлган халқ ижодининг ёрқин намуналаридан биридир. Асосий қисм ниҳоятда салобатли ва катта маҳорат билан ижро этилиши лозим бўлган қисмдир. Бу метро-ритмик жиҳатидан эркин ижро этиладиган қисм. Сурнайда бу қисм ўзига хос нафас қайтариш услубида, узлуксиз ижро этилади. Чунки асар руҳияти шуни талаб

этади. Рубобдаги ижронинг мушкуллиги ҳам ана шундадир. Шунинг учун рубоб ижрочиси бу куйни талқин этар экан, тасаввурида сурнай садоси туради. Сурнай садосини рубоб тилидан ижро этади. Бунда ун қўлнинг ўзига хос зарблари ва чап қўл бармоқларининг қалб билан туташган ришталари яққол намоён бўлади. Натижада, сурнайга хос оҳангни рубоб тили орқали ифода этади. Бу жараёнда «Сурнай навоси» асарининг эҳтиросли сифатларини ҳам билиш катта аҳамиятга эгадир.

Асарнинг тароналар каби кетма-кет келадиган қисмлари «Савти наво» ва «Чархи наво» деб аталади. Улар навонинг турли усулларидаги жилоланиши асосида юзага келган. Умумий ҳолат секиндан тез суръатга таянса-да, мушкуллик жиҳатидан оксидир. Дарҳақиқат, таркибий қисмлар усуллар жилосидек, ҳар бири бир ягона усулга асосланиб умумий ривожни таъминласа-да, жозибали ижрога асос бўлган. Муайян усулдаги қисмни қашқар рубобига характерли бўлган рангбаранг ижро безаклари билан ифода этилади ва бу безакларнинг, штрихларнинг нақадар бойлиги ҳамда ўзига хослигини намоён этади.

Асарнинг бу жиҳатлари созанданинг қай даражада ижрочиликни ўзлаштирганлигини яққол намоён этиб беради. Шу боис бўлса керак халқимиз бундай асарларни «бир дунё» деб аташади.



Учинчи қизи тувилганидан сўнг Сафар арзимаган нарсалардан жанжал чиқарадиган, тез-тез ичкилик ичадиган бўлди. Бу Гулмирани жиддий хавотирга сола бошлади. Эри ишдан қайтмаган чоғларида у миужа қоқмай тонг оттирарди. «Қизик, дадаси қаерда қолди экан? Чиндан ҳам навбатчимикан ёки... Наҳотки у...» деган шубҳалар исканжасида қоларди аёл. Гоҳида у буни қайинонасига бориб айтгиси келар, лекин чиндан ҳам иши кўпайиб кетган бўлса-чи, дея индамасди. Қизалоғи ширин тамшаниб ором олаётган пайтда кўзи уйқуга кетган Гулмира кетма-кет босилган қўнғироқдан чўчиб уйғонди ва қўрқув билан титроқ овозда деди:

— Ким у?

— Катта холанг, оч эшикни, — бақирди Сафар зарда билан.

Эрининг овозини дарҳол таниган Гулмира эшик илгақларини шошиб кўтарар экан:

— Яхши келдингизми, дадаси, — деди.

— Эшикни қулфлаганинг етмагандек, нега илгагини солиб қўйдинг, ярамас?

Кутилмаганда жарига теккан шапалоқ зарбидан аёлнинг кулоқлари шанғиллаб кетди.

— Эсингизни едингизми, нега урасиз?

— Уриш ҳам гапми, керак бўлса, ўлдираман сени, — дея Сафар Гулмирага яна бир-икки тарсаки тушириб юборди. Тўсатдан у «Кетаман бу уйдан!» деб чиқиб кетди. Тўғри ўзига таниш йўллар билан туман марказидаги қўш қаватли бино томон равона бўлди. Ёлғизликдан кўзига уйқу келмай, ҳали у ёнбошига, ҳали бу ёнбошига ағдарилганча кўзини илинтиролмайд ҳалак бўлаётган Малоҳат булбул товушли қўнғироқ овози тугамасдан эшикни очди:

— Вой қайтиб келдингизми, бегим. Қани, нима қилиб турибсиз, ичкарига марҳамат, — деди ўзгача ноз-карашма билан.

— Келдим, жоним, келдим. Келганда ҳам бутунлай келдим, — деди Сафар унинг сочини силаб, пешонасидан ўпар экан.

— Жуда соз, бегим, ажаб қилибсиз. Қани ичкарига ўтинг, бирор нима еволинг, — дея Малоҳат уни меҳмонхонага бошлади.

— Энди биз бир умр бирга бўламиз, Малоҳ, — деди у қувонч билан.

— Келинг бегим шунинг учун элик-элик олайлик, — дея жувон қадаҳларни тўлатди. Гарчи Сафар уч-тўрт йилдан буён бу ерга келиб турса-да, бугунгидек ўзини эркин ҳис этмаганди... Бора-бора Малоҳатга маҳкам боғланди-ю, оиласи, қизалоқларини ҳам батамом унутиб, ажрим сўраб судга ариза берди. Суд раисининг панд-насиҳатларига, тушунтиришларига қарамай, у фикрининг ўзгартирмади. Малоҳатдан эшитгани «Характерим тўғри келмади» деган баҳонани тўтидай такрорлаб тураверди. Бу орада бирор марта бўлсин, оиласидан хабар олмаган Сафар бир ярим йил деганда ажрим қовозини қўлга киритди. Гулмира эридан ундириладиган нафақадан ошкора воз кечди. Чунки у асоссиз айбловлар, айниқса, мурғак болаларига ачинмаган отадан юракдан нафратланарди. Сафарнинг хиёнати Гулмиранинг кўзини очган, энди у ҳар кимга ишониб дил ёришдан безиллаб қолган эди.

Ҳаёт шу алфозда давом этаверди. Малоҳат билан Сафарнинг бирга ҳаёт бошлаганига ўн йилдан ошган бўлса-да, ўртада фарзанд бўлмади. Бир покдомон аёлнинг кўз ёшлари, ҳали отасини таниб улгурмаган гўдакларнинг уволи уларни фарзандсизлик азобига гирифтор қилган бўлса, не ажаб. Бағирлари хувиллаб қолган эр-хотин кенгашиб, бола асраб олишга аҳд қилишди.

Малоҳатнинг туғруқхонада ишлайдиган дугонаси бир куни хушxabар топиб келди. Туғруқхонада онаси вафот этган боланинг отаси уни фарзандликка оладиган дурустроқ одамларни қидираётганини айтиб қолди. Бундан қувониб кетган эр-хотин ўзаро келишиб, дарҳол ўша одамни излашга тушдилар. Иш хамирдан қил

суғургандек осон битди. Фарзандликка олинган гўдакка Умид деб исм қўйишди.

Умид табиатан боқиб олинган ота-онасига ўхшамади, феъл-атворида мархума онасининг хислатлари шакланган бола тийрак ўсди.

Бир куни Умиджоннинг отаси излаб келди. Бола ҳақиқий отасига ажабнок термулиб қолди. Сўнг катталардек ўйчан назар билан бир нуқтага тикилиб қолди. Буни зимдан кузатиб турган қария болани бағрига босганди у жиддий тортиб дана-дона гапира бошлади:

— Амаки, сиз ростдан менинг дадаммисиз?

— Отангман, болам, отангман, — нотаниш киши унга яқинлашди. — Онанг вафот этгач, сенга қаролмай қийналиб қоламанми деб...

— Отам эканлигингизни исботи фақат шуми?

— Буни қишлоқда ҳамма билади, бўтам. Опа-акаларинг сендан хабар топишгач, мендан қаттиқ хафа бўлдилар. Мен сени қийналмай бирор меҳрибон онанинг қўлида тарбиялансин деб... Лекин...

— Сиз шунча вақт мендан хабар олмай, энди қаердадир болангиз борлиги ёдингизга тушиб келдингизми?! Энди сиз билан кетиб қолсам, мана бу меҳрибонларимнинг юзига оёқ қўйган, хизматларига туфлаб кетган бўлмайманми?

Умиднинг катталардек мулоҳаза юритиши уни асраб олган ота-онасини ҳам лол қилиб қўйганди. Ўғлининг гапларидан кўнгли кўтарилиган Сафар бегона кишига ачиниб қараб қўйди. Ўз навбатида Малоҳат ҳам қарорини эшитиб анча ҳушига келганди. Боласининг таъсирчан гапларидан онанинг кўзларига ёш қалқиди. Уни бағрига маҳкам босганча йиғлаб юборди.

Умидни излаб келган киши ноилож ўрнидан қўзғалди. Уни кўзида ёш билан эшикка кузатиб чиққан Сафар бундан йигирма тўрт йил илгари ўзи ташлаб кетган аёлининг, фарзандларининг аччиқ қисматини эслади-ю, кўз олди қоронғулашиб кетди. Елдек югурик хаёллар уни олис-олисларга етаклади. «Туғруқхонада ноиложликдан бировга фарзандликка берилган бола отасидан шунча нафратланса-ю, менинг ўз ихтиёрим билан ёшлигида ташлаб кетган зурриёдларим менга қандай муносабатда бўлишларкин? Шунча йиллар мобайнида бир марта ахтариб бормаган бўлсам... Ўшанда тинчгина яшайверганимда ким ҳам менинг оstonамга бола келтириб ташларди? Нимага тирноққа зор бўлиб, фарзанд доғида куйишимни ўшанда англамадим?».

Ниҳояси йўқ бу саволларга жавоб тополмай карахт бўлган Сафарнинг юрагида кучли санчиқ турди. Кейин... кейин оёқ қўлларидан дармон кетиб йўлакда беҳуш йиқилди. Буни кўриб шошиб қолган Умид ва Малоҳат зудлик билан «Тез ёрдам» чақирдилар. Сафарни касалхонага ётқиздилар. Жонлантириш

хонасида уч кунгача ўзига келолмай ётган Сафарнинг ёнига ҳеч кимни қўйишмади. Ниҳоят, учинчи куни тушда бўлим бошлиғи Малоҳатни хонасига чақириб сўради:

— Эрингиз ўзига келиши билан «Мени кечир, Гулмира» дея алаҳсираяпти. У ким, синглисими?

— Аввалги хотини, — деди

Малоҳат лаблари титраб.

— У ҳаётми?

— Ҳа.

— Унда қандай қилиб бўлмасин уни чақиртириш керак, бошқа илож йўқ. Дори ҳам қолмаяпти.

Умид керакли хонадонни қийналмай топди. Иккиланмай ҳовли эшигини қоқди. Дарвозани ёши эллиқдан ошган, сочларига оқ оралаган, истараси иссиққина аёл очди.

— Кечирасиз, Гулмира опа сизми? — деди Умид.

— Ҳа, айланай, ўзимман.


— Мени кечирасиз, хола, сизни зудлик билан дадамнинг олдига олиб боришим керак. Мен Сафар аканинг ўғлиман. Ҳозир дадам қаттиқ беморлар. Сиздан илтимос, албатта боринг. Дадам нуқул сизнинг исмингизни айтиб чақиряптилар. Дўхтирлар ҳам қаттиқ тайинлашган. Йўқ демайсиз-а?

Боланинг кўзида ёш билан айтган сўзлари Гулмиранинг юрагидан ўтиб кетди. Нима қилиш керак? Борсинми? Йўқ. Ахир қайси кўрсатган каромати учун боради? Тўхта, унинг асраб олган боласи шунча ачинганидан келибдими, нега энди пушти камаридан бўлган фарзандлари бориб кўрмасликлари керак? Бу инсофдан эмас, ахир. Ўзим бормаган тақдирда фарзандларимни юборишим шарт.

Умид касалхонага қайтиб келганда Малоҳат уни бетоқат кутиб турганди. Ўғлига кўзи тушиши билан қувониб олди чопди. «Ўғлим, тезроқ юр, даданг сени сўраяпти» деди шоша-пиша. Умид ичкарига кирганда Сафар беҳол ётарди. Қўлини чўзиб Умиднинг кафтига кафтини қўяр экан «Ўғлим мен ҳаётда адашдим, сен адашма. Бардам бўл, ота деб йиғласанг йиғла, лекин фарзанд доғида куйма», дея чуқур нафас чиқарганча мангу уйқуга кетди...



**Жалолдин
АБДИЕВ**



Гулчеҳра Назарова Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар» кафедрасининг мудираси, иқтисод фанлари доктори, профессор. 1999 йили Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган «Энг фаол аёл» танлови ғолибаси.

Илмга баҳшида

УМТР



У Тошкент Халқ хўжалиги институту (ҳозирги Тошкент Давлат иқтисодиёт университети)нинг «Иқтисодий кибернетика» факультетини 1977 имтиёзли диплом билан тамомлади. 1983 йилгача шу институтнинг «Иқтисодий кибернетика» кафедраси ассистенти ва изланувчи тадқиқотчиси лавозимларида ишлади. Аспирантурага ўқишга кириб, 1985 йилда профессор Н.Комков раҳбарлигида муддатидан олдин номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. 1986 йилда «Иқтисодий кибернетика» кафедраси, 1990 йилда эса «Халқаро иқтисодий муносабатлар» кафедрасининг доценти лавозимларида ишлади. Ушбу институтнинг докторанти бўлиб, 1991 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Айни вақтда Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг «Жаҳон Иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» кафедраси мудираси лавозимида ишлаб келмоқда. Шу йиллар давомида кафедранинг профессор-ўқитувчилари томонидан 2000 га яқин мутахассис кадрлар тайёрланди. Бугунги кунда улар давлат муассасаларида, ўқув юртли ва институтларда, хорижий

компания ва фирмаларда ҳамда чет элларда самарали фаолият юритишмоқда. Гулчеҳра Назарова «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» кафедраси мудираси бўлиши билан бир вақтда, мутахассислик йўналишлари бўйича амалий машғулотлари ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб бормоқда. Ўқитишнинг замонавий янги технологиялари, хорижий тажрибалардан кенг кўламда фойдаланиб келмоқда. Ўз илмий ғоялари ва илмий ишларининг тасдиғи сифатида Г.Назарова Марказий Оснёда биринчи бўлиб АҚШдаги Фулбрайт жамғармасининг халқаро иқтисодий муносабатлар бўйича дипломини олишга эришди.

Ўзбекистон Республикасида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши профессор Г.Назарованинг таълим соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари учун муҳим рол ўйнаган эди. Тадқиқотчининг фикрича, дастурни амалга оширишдан қутилаётган энг муҳим натижалардан бири таълим сифатини ошириш бўлиб, нафақат таълим муассасалари шаклини, балки таълим тизимини чуқур ислоҳ қилиш, шунингдек, таълим дастурларининг мазмуни ва

таълим хизматлари сифатини ошириш йўллари билан таълим даражасининг рақобатдошлигига эришиш мумкин.

Г.Назарова таълим тизимида бўлган ёндашувларнинг кўп жиҳатлилигини эътиборга олган ҳолда, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган тадқиқотчи сифатида муайян мамлакатда таълимнинг моҳиятини аниқлашни муҳим жиҳат деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, таълим жамият фаровонлигига эришишнинг муҳим элементи сифатида эътироф этилиши лозим. Кучли фуқаролик жамиятини ислоҳ қилиш шароитида фуқаролар фаоллигини оширишнинг халқаро тажрибасини ўрганиш Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг ижобий жиҳатларидан биридир.

Профессор Гулчеҳра Назарованинг 200 дан зиёд илмий, ўқув-услубий ишлари, жумладан, 4 та монография, 3 та дарслик, 35 та илмий мақола, 50 дан ортиқ маъруза тезислари, 15 та ўқув-услубий қўлланмалари ўзбек, рус ва инглиз тилларида республикада ҳамда хорижий мамлакатларда чоп этилган. Бундан ташқари,

Г.Назарова бир қатор докторант, аспирант илмий-тадқиқотчи, магистрларнинг жонкуяр мураббийсидир. Шу кунга қадар унинг раҳбарлигида 5 та докторлик, 20 та номзодлик, 20 та магистрлик диссертациялари ёқланди. Ҳозирги кунда 5 та аспирант, 4 та илмий-тадқиқотчи ва 3 та докторантга раҳбарлик қилмоқда.

Гулчехра Назарова бир қатор хорижий мамлакатлар университетларида малака оширган ва уларнинг сертификатларига эга бўлган. Жумладан, 1995 йилда ТАСИС дастури бўйича Бельгия, Буюк Британия, Францияда ўтказилган амалий дастурда қатнашган бўлса, 2000 йилда Туркиянинг Сабанжи ва Коч университетларида амалиёт ўтаб, Жанубий Кореяда таълим дастури бўйича малака ошириб қайтган эди.

Г.Назарова бир қатор халқаро дастурларнинг иштирокчиси ҳамдир. 1993 йилда Фулбрайт дастурларида иштирок этиб, АКШнинг Техас штатида Даллас, Вейко, Бейлор университетларида дарс берди. 1994-1995 йилларда Европа Иттифоқининг ТАСИС-ТЕМПУС дастурида иштирок этиб, Буюк Британиянинг Поттингем университетида Европа таълим тизимига оид ўқув дастурларини ўзига хос хусусиятларини ўрганди. 1995-1996 йилларда Жаҳон банки қошидаги Иқтисодий ривожланиш институти дастурида иштирок этиб, дастурнинг Алмати, Вена, Вашингтонда бўлган семинарларда иштирок этди. 1995 йилда Жаҳон банки дастурида иштирок этиб, мўлия бозори эксперти сертификатини қўлга киритди. 1995-1996 йилларда ТАСИС ва Жаҳон банки дастурларида иштирок

этиб, меҳнат бозори эксперти дипломини олди. 1997-1998 йилларда АКШ, Буюк Британия университетларининг таълим бўйича доимий дастурларида қатнашиш билан биргаликда Ўзбекистон меҳнат бозорини ривожлантириш сиёсати бўйича ТАСИС дастурида ҳам (Италия) иштирок этди. 2004 йилда Японияда бўлиб ўтган халқаро ҳамкорлик бўйича япон агентлиги ЈАСАнинг тренинг-дастур лойиҳасида иштирок этди.

Гулчехра опа ўз илмий ва педагогик фаолияти давомида 50 дан ортиқ халқаро, республика миқёсидаги илмий ва амалий анжуман, семинарларда иштирок этиб, бир қатор конференцияларнинг ташкилотчиси ҳам бўлиши билан бир қаторда, Жаҳон банки эксперти сифатида Фарғона ва Самарқанд менежмент мактабларининг МБА дастурларида иштирок этган.

Г.Назарова серғайрат ташкилотчи, у ўз меҳнат фаолияти давомида республика, университет ва факультет миқёсидаги жамоат ишларида фаоллик кўрсатиб келмоқда. Бир неча йиллар давомида ТДИУ хотин-қизлар кенгаши аъзоси ва раиси, Юнусобод тумани ва Тошкент вилояти хотин-қизлар кенгаши аъзоси, «Билим» жамияти, «Хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамияти», «Ҳаёт ва иқтисод» журнали таҳририяти аъзоси бўлиши билан бир қаторда ЮНЕСКОнинг таълим бўйича эксперти сифатида ҳам фаолият юритиб келади. У доимо замон билан ҳамнафас. 2003 йилда аёлларнинг жамиятимиздаги ўрнини мустаҳкамлаш, илмий-маданий салоҳиятини ошириш мақсадида нодавлат нотижорат аёллар жамоаси — «Гулзор» тадбиркор аёлларнинг халқаро



илмий таълим марказини ташкил этиб, уни бошқариб келмоқда. Шу ташкилот вакили сифатида Г.Назарова 2004 йилда Корея Республикасида бўлиб ўтган етакчи аёлларнинг глобал саммитида ҳамда UNESCOнинг Хитойда бўлган 60-сессиясида қатнашди. Профессор Г.Назарованинг ўз ватани ва халқига бағишланган меҳнатлари ҳукуматимиз, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ТДИУ ректорати томонидан «Фахрий ёрлик»лар билан тақдирланган. 1998 йилда кўп йиллик илмий, педагогик фаолияти ҳамда ёшларга таълим ва тарбия беришда қўшган катта ҳиссаси учун «Шухрат» медали билан тақдирланди.


Гулчехра опа оилада ҳам намунали бека, меҳрибон она, сеvimли рафиқа. Турмуш ўртоғи Рустам Назаров ҳам Гулчехра опанинг ҳар бир ишида ҳамфикр, елкадош. Назаровлар оиласининг фарзандлари Раъно — иқтисодчи, иқтисод фанлари номзоди, Индира — иқтисодчи, юрист. Ўғиллари Темур эса ТДИУ талабасидир.

Гулчехра Назарова ўз илмий, педагогик ва ижтимоий фаолияти давомида нафақат кадрдон университети, балки республикамиз, хорижий университетлар профессор-ўқитувчилари ва зиёлилари орасида катта ҳурмат ва эҳтиромга сазовор, юқори малакали мутахассис, ишга жиддий ёндашадиган, қатъиятли инсон сифатида ҳурмат қозонган.

Тиниб-тинчимас, забардаст олимпиа Гулчехра Назарова каби ўзбек аёлларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Суннатилла РИЗАЕВ,
ТДИУ профессори





Шундай кишилар борки, камтарлиги, камсуқумлиги туфайли баъзан эътибордан четда қолади. Уларнинг орасида эзгулик йўлида халқ қалбига аллақачонлар кириб борган олижаноб кишилар бор. Шундайлардан бири элшунос олим Билол Аминовдир.

Тарих фанлари номзоди, миллий қадриятларимизнинг тикланишида жонбозлик кўрсатаётган маърифатпарвар олим, маданий-маърифий ишлар аълочиси Билол Аминов Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг фаол аъзоси, «Шухрат» медали соҳиби.

1961 йилдан 1989 йилгача Ўзбекистон Республикасининг Тарих институтида лаборант, кичик илмий ходим, аспирант ва катта илмий ходим лавозимларида ишлади. Академиклар Яхё Фуломов, Р.Аминова, К.Шониёзов, О.Сухарева, К.Маҳмудов, Ф.Жаҳонгиров, Х.Зариповлардан таҳсил олди.

Олим халқ этнопедагогикаси билан боғлиқ мавзуларда Ўзбекистон Миллий университетида, Тошкент Фармацевтика институтида,

Ўзбекистон радиоси ва телевидениесида мунтазам чиқишлар, шифокорлар, ўқитувчилар малака ошириш институтларида, маҳаллаларда мазмунли маъруза ва суҳбатлар олиб борди. Шунингдек, Республика матбуотидаги қатор мақолалари — «Нон юрт бойлиги», «Пойтахтнинг 12 дарвозаси», «Кулгумиз оламини тутсин», «Хотира ёлқини», «Аждодларимиз нидоси», «Шаҳидлар нидоси» (радиосериал), «Шарқона бозор фазилатлари», «Этнография оламига саёҳат», «Ҳикмат — ибрат» ва «Ўқитувчи» нашриёти томонида чоп қилинган «Ватан — юракдаги жавоҳир» рисола ва тавсиялари, «Ассалом, Меҳржон!» рангли плакатлари катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, мустақиллигимизнинг шарофатли маънавий меваларидир.

Муаллифнинг «Нон музейи», «Кулгу академияси», «Булбул ноласи», «Янги Кўкча дарвоза лойиҳаси» ҳақидаги таклиф ва лойиҳалари халқимизнинг эътиборидадир. Олтин куз байрами — Меҳржоннинг тикланишида ҳам олимнинг улкан улуши бор. Бу байрам ҳар йили диёр бўйлаб тантана қилинмоқда.

Б. Аминов 1991-1992 йилларда Наврўз халқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш Республика ташкилий қўмитаси аъзоси, сценарий муаллифларидан бири сифатида тайёргарлик жараёнида ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашди.

Олим 1997 йил 12 сентябрда Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ташкил топганидан сўнг унинг аъзоси сифатида биринчилардан бўлиб ижодий йўналишлар бўйича таклиф ва мулоҳазалари билан мунтазам фаол қатнашиб келмоқда. Бир қанча таклифлари туфайли «Шарқона бозор тасвирий ойна нигоҳида» плакатлари чоп этилди. Метрополитен, автобус ва темир йўл



ЭЛШУНОС

Тарих фанлари номзоди,
элшунос олим Билол Аминовнинг
илмий-педагогик, ижтимоий
фаолиятига чизилган

да р

вагонларида ҳикматлар нафис плакатчаларда намаён бўла бошлади.

Забардаст амалиётчи, тадқиқотчи, ҳикмат-ҳадисларнинг ёшлар томонидан ўзлаштиришнинг тезкор усулларини ишлаб чиқди. "Тасвирий ойна"нинг тарғиботчиси сифатида олий ўқув юртларида «Маънавият бўстони», «Ҳикматлар ёғдуси» мажмуаларини амалий жорий этишда бош-қош бўлмоқда. Бу тажрибалар Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат маркази тавсияномасида ўта муҳим янгилик сифатида ижобий баҳосини олган.

2000 йил «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлигининг қурилиши жараёнида шаҳидлар хотирасига аталган мақолалари билан газеталарда чиқишлар қилди. 2001 йилнинг бошида «Шаҳидлар нидоси» деб номланган мақола ёзди. Шунинг асосида радиосценарий тайёрланди.

Билол Аминовнинг «Янги Кўкча дарвозаси» ҳақидаги лойиҳаси «Ҳамшаҳарлар» телекўрсатувида кўрсатилди. 2003 йилнинг май ойларида лойиҳа Тошкент шаҳар ҳокимиятига топширилди.

13 йил муқаддам матбуот орқали Билол Аминов Абу Райҳон Беруний қайд этган Меҳржон-халқ сайли билан халқимизни таништирган эди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилидан бошлаб Меҳржон байрамини пойтахтимиз ва вилоятларда, аксарият боғча ва мактабларда ўтказиш бошладилар. Мамлакатимизда «Меҳржон» боғлари ва кўчалари пайдо бўлди. Ҳар йили сентябр ойида ташаббускорлар «Меҳржон»

ҳақида матбуотда мақолалар бериб бордилар, республикамиз радио ва телевидениесида чиқишлар қилиб туришди. Хуллас, байрам байрамдай ўтказилди.

2004 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 40-сонли Қарорида «Меҳрмурувват йили» дастури эълон қилинди. Дастурнинг 90-бандида «Шукроналик ва меҳрмурувват ғояларининг ифодаси бўлган анъанавий Меҳржон сайли ўтказилсин», дея кўрсатилиб, ташкилий ишлар Республика Маданият ишлари вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази зиммаларига юклатилди.

— Президентимизга минг раҳмат, — дейди домла. — 2004 йилни «Меҳр ва мурувват йили» деб номлашлари олийжаноб иш бўлди.

Қолаверса, бу Фармондан Б.Аминов мадад ва умид олди. Инсулт билан ётиб қолган бемор ҳаракатга тушиб кетди. Олим беҳад қувониб, соғ одам қилолмайдиган юмушларни 6 ой ичида бажарди. Миллатнинг яна бир ажойиб қадриятини тиклашда азаматлик қилди. Олим ўзининг «Яшамадим бу дунёда нон учун, унвон учун, эзгулик дарди чорлади эътиқод-имон учун» деган уйғоқ сўзларга содиқ қолиб, ҳеч нарса таъма қилмаган ҳолда яшаб келмоқда.

Тиниб-тинчимас олим барча билим ва тажрибаларини ишга солиб, 6 ой давомида «Ассалом, Меҳржон!» рисоласини, «Меҳржон халқ сайлини Ўзбекистон вилоятларида ташкил қилиш ва ўтказиш ҳақида»ги



тавсияномасини, «Ассалом, Меҳржон!» рангли календар-плакати, «Меҳржон — эзгулик даракчиси» буклет-расми рисоласини, Меҳржон ҳақидаги мақолаларни республикамизнинг 15 дан ортиқ газеталарида ўзбек, рус, қозоқ тилларида эълон қилдилар.

70-баҳорни шукроналик билан қаршилаш арафасида турган тадқиқотчи ҳали амалга оширадиган эзгу ишларини ўйлагани-ўйлаган. «Ўйлаган ғояларининг ижобатини кўриб, ўзликни англаб яшаш улкан бахтдир», дейди Меҳржон бобо — Билол Аминов.

Муддаомизни мухтасар айтганимизда, Билол Аминов бир қанча башарий илмларга асосланган ҳолда ҳозирги долзарб давр талабларига жавоб ахтариб, халққа маънавий таъсир этишнинг ўзига хос йўллари тинмай изламоқда.

Донолар кўчасидан ўтган, истиқлол нуридан баҳра олган олимнинг изланишлари, ташаббуслари ва солиҳ амаллари таҳсинга лойиқдир.

Ҳамид ЗИЁЕВ,
тарих фанлари
доктори, профессор

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
маданиятшунос олим

ЭХТИЁЖ ВА МАНФЛАТ



Ҳар қандай жамият ўз истиқболини ҳар томонлама уйғун камолга етган шахс, баркамол авлодсиз таъминлай олмайдۇ. Шу боис, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ жамиятимиз олғуда ёшлар таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, уларнинг ҳаётга ва ижодий меҳнатга нисбатан муносабатини тубдан ўзгартириш зарурияти юзага чиқди.

Маълумки, инсон шахси шаклланишида тарбия устувор аҳамиятга эга бўлади. Ўз навбатида тарбия қийин ва ўта нозик ишдир. Чунки бу жараён инсон шахсини шакллантириш, унинг оламдаги турфа муносабат ва муаммолар доирасидаги таъсирлардан энг мақбулларини ажрата олиш, эҳтиёжларини мана шу танлаб олинган омиллар асосида шакллантириш билан узвий боғлиқдир.

Гарчи алоҳида олинган инсон эҳтиёжи миллат, давлат, жамият эҳтиёжлари билан узвий боғлиқ бўлса-да, унинг ўзига хос фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд.

Эҳтиёж киши фаолиятини ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб, ижтимоий фаолиятнинг асосини ташкил этади. Эҳтиёж ва субъектларнинг ўзига хос ҳолатини ифодалайдиган социологик категория, унинг моҳияти субъектнинг нормал яшаши, меҳнат фаолиятида инсон фаоллигининг манбаи, шахснинг баркамол бўлиб ривожланиш шаклидир. Инсон эҳтиёжи жамият тараққиёти билан вужудга келади ва ривожланиб боради. Инсон яшаши, меҳнат қилиши, билим олиши, маънавий ва жисмоний ривожланиши учун шароитлар яратилиши лозим. Буларга озиқ-овқат, турар-жой, кийим-кечак, меҳнат, маориф ва тиббий хизмат, бўш вақтни мазмунли ўтказиш ва ҳоказолар қиради.

Бу соҳалар кўпроқ ижтимоий жараёнлар ва хизматларга тегишли бўлса-да, аввало, улар айнан шахснинг табиий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Шунингдек, шахснинг дунёқараши, интилишлари шаклланишида маънавий-руҳий эҳтиёж ҳам алоҳида ўрин тутаети. Ана шундай эҳтиёжлардан бири ўз насл-насабини англашга, ундан гурурланишга бўлган эҳтиёждир.

Ўз оиласи, насл-насаби билан фахрланиш ватанпарварлик туйғусига чуқур ҳамоҳангдир. Бу, энг аввало, оилавий анъаналарни авайлаб сақлаш ва бойитиш, ота-боболарнинг муборак номларига доғ туширмасликка интилиш, ўз меҳнати, билимлари билан насл-насаб обрўсини мустаҳкамлаш одамларнинг ҳурмат эҳтиромига сазовор бўлиш истагидир.

Ўзбек миллий тарбия тизимининг ўткир воситаларидан бири ҳам ҳар бир кишининг ўз

аждодлари тарихини билиши лозимлиги ва шунга илк ёшлигиданоқ болаларнинг ўргатилиа боришидир.

«Шажараи турк» муаллифи Абдулғозихон шундай ёзади: «Турк ва тожикда барча одам ичинда расм турур, етти отани санад қилмоқ. Турк халқи айтур етти отадан бери тюрмучиман ва ё айтурки менинг етти отам шу юрда ўткандур». Хоразм тахтининг 1944-1664 йиллар соҳиби бўлган Абдулғозихон ўзидан бошлаб то Одам Сафийуллоҳгача «Отасининг отаси фалончи» дея номма-ном баён қилади. Демак, бу мисолдан илгари аждодларимиз камида етти ота наслини батафсил айтиб бера олганликлари аён бўлади. Ўзбекона тарбиянинг турли қирралари улкан адибларимиз Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон ва бошқаларнинг тарихий асарларида муваффақиятли акс эттирилган.

Беҳбудий ўзининг 1914 йили ёзган «Икки эмас, тўрт тил керак» мақоласида Туркистон халқларини туркий, форсий, арабий ва русий тилларни ўрганишга тарғиб этиш учун тарихий манбаларга мурожаат этиб, «Форсий билган киши Фирдавсий, Бедил, Саъдий, Санойидан қандай лаззат олса, туркий билганлар Фузулий, Навоий, Боқий, Сомий, Ақрамбек, Устод Ноидлардан ва уламо замони асарларининг туркий таржимасидан шундай лаззат оладур», дейди.

Дарҳақиқат, тил билиш инсон маънавиятининг мукамал бўлишлиги, маданиятининг юксалиши асосидир. Аммо кўп ҳолларда ўз она тилига беписандлик билан қараш, хорижий тилларни ўрганишга катта эҳтиёж ва алоҳида масъулият билан ёндошиш баробарида, миллат равнақи омили бўлган она тилига эътиборсизлик ҳолатлари ҳам учраб туриши, айниқса, аянчлидир.

Бундай ҳолатнинг юзага келиши маълум маънода эски тузумнинг миллий тилимизга нисбатан олиб борган адолатсиз сиёсати билан ҳам боғлиқ.

Ўзбек тилига нисбатан олиб борилган бундай сиёсат халқимиз, миллатимизнинг руҳиятига, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод онги ва тафаккурига салбий таъсир кўрсата бошлади. Айрим кишиларда ўз она тилини билмаса ҳам, рус тилини билиш, шу тилда чиройли сўзлашиш, илмий асарлар ёзиш маънавий камолот чўққиси, маданиятлилик белгиси деб баҳоланадиган бўлди.

Халқ орасида ўзини ўта маданиятли деб ҳисоблайдиган, лекин кўпчилик ўртасида ўз она тилида тўрт оғиз сўзни гапиришга қийналадиган

кишилар тобора кўпая бошлади. Охир-оқибат, ўз миллий маданияти анъаналарини билмайдиган, ўз она тилини менсимайдиган кишилар шакллана бошлади. Бундай ҳолатдан қуйиниб, ниҳоятда таассуф билан устоз Файбуллоҳ Ас-Салом шундай ёзган эди: «Ўз она тилида сўзлай олмаган, оғиз жуфтлаб икки оғизгина «нутқ ирод қилолмайдиган» зиёлиларимизни кўрганимда, тарвузим кўлтигимдан тушади. Очигини айтсам, уларга раҳмим келади. Бундай билафон «зиёлилар»га таъзия билдиргиси келади кишининг».

Мана шу сабабларга кўра ўзбек тилини астойдил муҳофаза қилиш, унга давлат мақомини бериш, бу тилни аслидагидай қилиб тиклаш ва ривожлантириш, уни жаҳондаги бой ва илғор тиллар даражасига кўтариш зарурияти, эҳтиёжи тўғилган эди.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлиги маданий-маънавий, ижтимоий-сиёсий, мафкуравий ҳаётимизда рўй берган улкан ютуқлардан биридир. Тилимизнинг бундай юксак мақоми мустақил Ўзбекистон Конституциясида қонунлаштирилди, Президентимиз Фармони ва ҳукумат қарорлари билан мустаҳкамланди. Ўзбек тилининг давлат тилига айланиши шунчаки маънавий ютуқ бўлиб қолмай, унинг улкан мафкуравий вазифа эканлиги ҳам бугун аён бўлмоқда.

Тилимизни моҳиятан чуқур билиш, унинг нуфузини туширувчи иллатлардан қутилиш, бугунги таълим-тарбия тизимининг устувор вазифаларидан саналади. Зотан, миллий тарбиямизнинг моҳияти ҳам ана шунда.

Атоқли адибимиз Абдулла Авлоний ҳам миллий тарбия моҳиятини ўзининг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» рисоласида ёритиб беради. Миллатни жондан ортиқ севган Авлоний зорланиб, уни иллатлардан қутулишга ундайди. Унинг ижодиётида тарбия, маърифат орқали миллатни юксалтиришни жон-дилдан орзулаши кўриниб туради. Педагог, адиб ижодида умуммиллий ғоя, умумий бир идеал ва унга етиш йўлини аниқлаб олиб, унга интилишга даъват бор ва у замона шиддати билан боғланади. Авлоний тарбиянинг вазифалари сирасига:

- Вужудни қувватлантириш;
- Фикрни нурлантириш;
- Ахлоқни гўзаллаштириш;
- Зеҳни раванқлаштиришни киритади.

Адиб ўзининг асарлари билан миллатнинг бугуни ва эртаси қандай бўлишига бевосита таъсир кўрсата олди. У миллий тарбиянинг қирраларини тушунтириб, ёшларда билим, фазилатларга ички чанқоқ эҳтиёжни шакллантириш керак, ана шунда қишда совқотган одам иссиқ кийимни қанчалик хоҳласа, ўсмир ўзи, миллати, Ватани, ота-онаси учун фойдали нарсаларни шунчалик сидқидиллик билан қидиради, демоқчи бўлади.

Биз юқорида қисман таъкидлаб ўтганимиздек, манфаат тушунчаси моҳият эътибори билан мураккаб бўлиб, у шахсий, гуруҳий, жамоавий,

қариндош-уруғчилик, миллий, ҳудудий томонларни ўзида акс эттиради, шахсга хос муаммолардан тортиб, то жаҳон цивилизациясининг тараққиётига қадар бўлган барча муаммоларни ўз ичига қамраб олади.

Баркамол инсон дунёқарашини шакллантиришда шарқ фалсафасининг аҳамияти катта. Шарқ мутафаккирлари илм-маърифатни улуғлаганлар, ахлоқ масалалари, Ватанни севиш, инсонпарвар бўлишга ундаганлар, комил инсон фазилатларини тарбиялашга эътибор берганлар. Демак, бугунги кунда ажодларимизнинг бой меросини тиклаш давлат даражасидаги ҳаётий эҳтиёждир. Ўз навбатида, меросга ворислик қилишдан, бизнинг миллий тарбиямизга бевосита таъсир эта олиши туфайли биз том маънода манфаатдормиз. Бошқача айтганда, ўзбек халқи ўзининг кўп минг йиллик тарихий тараққиёти жараёнида мукамал тарбияли инсон қандай бўлишлиги ҳақида мухтасар таълимот тизимини яратган.


«Қадимги ажодларимиз, комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар», — деб таъкидлаган эди юртбошимиз.

Ўз даврида Абу Ҳамид Муҳаммад ал-Ғаззолий бу хусусда шундай деб ёзган эди: «Вақтики, ўзингни танимасанг, ўзгани нечук танигайсан. Эй инсон! Зоҳирингни танимоқда бош, юз, кўз ва фут (оёқ) ва гўшт (бадан)дан ўзгани танимасан. Бас, сенга лозимдурки, ўз ҳақиқатингни талаб қилгайсан, аслинг не нимарсадур ва не ердин келибсан ва не ерга боргундир. Бу олам манзилгоҳига нима иш билан келибсан ва сени нима учун офарида қилибдур? Саодатинг не ишдадур?».

Бу ўзига хос ҳикматли сўзлар замирида инсоннинг ўзини ўзи англаш эҳтиёжи, унинг инсонийлик фазилатлари ҳамда моҳиятини бошқа жонотлардан фарқ қиладиган жиҳатларини ҳам яққол кўрсатган бўлиб, алломанинг бу фикри мантиқий теранлиги, фикрий жиҳатдан мукамаллиги билан бугунги кун воқелигига, кишиларнинг ўз-ўзини англаш туйғуларини такомиллаштириб боришда ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Ҳар қандай инсон ёки ижтимоий гуруҳларнинг фаолиятини эҳтиёжлар белгилаб келган. Шунинг учун ҳам эҳтиёж ўз моҳиятига кўра объектив аҳамият касб этади. Аммо шу объектив характердаги эҳтиёжнинг субъекти эса доимо ҳаракатдаги, фаолиятдаги инсонлардирки, улар ўз эҳтиёжларини қондириш йўлидаги хатти-ҳаракатлари асосида ўз манфаатларини келтириб чиқаради. Манфаатни қондириш мақсадидаги фаолият туфайли ижтимоий ҳодисаларнинг, жараёнларнинг ривожига ва йўналишига фаол таъсир кўрсатади.

Азамат МУХТОРОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент



ОАХУШХАВО ДИХАТГОХ

Атрофи баланд тоғлар билан ўралган, хушманзара, хушҳаво масканлардан бири Косондир. У республикамиздаги энг қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, бой тарихга эга.

Бу жой Бобурнинг «Бобурнома» асарида ҳам тилга олиб ўтилган! «Косон Ахсининг шимолида тушибтур. Кичикроқ касабатур. Ажи сўйи Косондан келур яхши ҳаволиғ ердир. Сафолиғ боғлари бор. Вале, сафолиғ боғлари тамом сой ёқасида воқе бўлгон. Сафо ва ҳавода Ўш била Косон элининг таассуби бор».

Дарвоқе, Намангандан Косон ҳудудига кириб келишингиз билан салқин, муздек ҳаво юзингизга урилади.

Бу мусаффо ҳаводан симирар экансиз, енгил тортганингизни ҳис этасиз.

Юртимизда 2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилингандан сўнг, шу дастурга асосан Республика меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли «Косонсой уруш ва меҳнат фахрийлари» дам олиш маскани ишга туширилди. 75 кишига мўлжалланган бу сихатгоҳ 150 ўринли дам олиш масканига айлантирилиб, қарияларнинг соғлигини тиклашда хизмат қилиб келмоқда.

Йўлланмалар тўла бюджет ҳисобидан 18 кунга бепул

берилади. Бу масканда асосан юрак қон-томир, нафас олиш органлари касалликлари даволанади. Санатория ўзининг шифобахш маъданли сувига эга. Бу сув 1200 метр чуқурликдан чиқади. Унинг таркибида организм учун зарур бўлган кремний моддаси бор. Ошқозон-ичак, жигар, ўт йўли, қандли диабет, астма, подагра каби касалликлар билан оғриган беморлар шифо топмоқдалар. Бу ерда шифобахш ванна, айланма душ, электромассаж, ултрабинафша нури, парафин билан муолажа қилинади.

— Бу шифо масканида энг керакли даво тоза ҳаводир. Бу ернинг ҳавоси тоза кислород билан тўйинган, — дейди биз билан суҳбатда шифохона бош врачлари Мамадали Сайфуллаев, —экологик жиҳатдан Кисловодск ҳавосига тенг. Чунки, ҳаводаги озон миқдори Кисловодскда 24 фоиз бўлса, бизда 27 фоизга тенгдир.

Сизни совинмадим

*Айқ, мен сизни совинмадим,
Омонсиз ишқилиб.
Шуқуларим исми нима
Сира бўлмади биллиб.
Ишқилими, ўртанишим...
Қўлим ақин, дил ёнроқ.
Айтинг, бу не, совин эмас —
Совиндан ҳам кўнроқ...*

Азизим, мен Сизни совинмадим, ўзини совиндим. Менинг қалбим, борлигим Сизга кетган. Қайтариб беринг, ўзимга ўзлимни. Ахир бу қийноқда яшолмаяпман. Сиз-чи, Сиз менда қолган қалбингизни совинмадингизми? Қандай яшаясиз, Бедилим? Ёки Сиз ўртанмайсизми? Сизга азобланиш бахтми,

Жўнатилмаган

МАҚТУБЛАР

азоблашми?.. Нима бўлганида ҳам мен ёнаётган ўтнинг бир чети Сизга туташ.

Сизни севмайман ҳам, билдингизми, СЕВМАЙМАН... Ахир, севиб бўладими, Сизни?! Менга яшайётган бўласиз. Мана, Сизни ўйляяпман. Хаёлим оверияпти. Кўзимдан ёш эмас, Сизнинг ўнлаб, юзлаб аксингиз юзимга, кўлимга тушаяпти. Яна сингиб кетаясиз, менга, ўзимга... Нима қилай?.. Ахир бу СЕВГУ эмас-ку, унинг азоби ширин бўлади, дейишади. Нега менинг еамларим аччиқ? Айтинг, айтинг, бу тўйеунинг номи нима? Ёндириб, сўнг томоша қилишми?

Хаммаси чалқшиб кетди. Нега ахир? Мен қаердаман ўзи? Осмонда бўлсам, майсага бўйим етмаяпти-ку. Ерда бўлсам, нега юлдузлар мендан пастга...

Нега келмаясиз? Нега бормаяпман?

Келинг. Кўзларимни ёшлар эмас, гўйдорингиз безасин... Сўкуватни обозингиз билан синдириг. Исминни айтинг. Унутилган гўёдай уйвонай. Сизни ёнимда ҳам совинай, севай... Ва йўқотганим — қалбимни толай.

Ҳозир эса... Сизни совинмаяпман. Билдингизми, совинмаяпман. Бу совиниш эмас, бу севиш эмас. Улардан-га баланд, улардан-га юксак тўйеулар. Фақат Сиз ва Мен исмини билмаган тўйеулар... Айтинг, қачон мени ўзлимга етказасиз. Қачон Сизни Совинаман, Сизни Севаман... Азизим, Сизни Совинмадим...

Ҳа, фахрланса арзийдиган оромгоҳ. Денгиз сатҳидан 964 метр баландликда жойлашган бу жой, тўрт томондан тоғлар билан ўралган бўлиб, ўртасидан Косонсой дарёси оқиб ўтади.

Муътадил ҳаволи бу маскан ҳатто ёзда ҳам бирмунча салқин бўлиб, дам ёмғир ёғади, дам кун очилиб кетади.



Сихатгоҳда қарияларнинг шифо топишлари, кўнгилли дам олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Ҳар бир хонада иссиқ, совуқ сув бор. Хоналар замонавий услубда бежирим жиҳозланган.

Оромгоҳ ошхонасида даволанувчиларнинг касалига

қараб, махсус столлар белгиланган. Хизмат кўрсатиш ҳам аъло даражада. Отахон-онахонларнинг даволаниб, кўнгилли дам олишлари учун бу ерда тез-тез маданий тадбирлар, концерт ва кечалар уюштириб турилади.

Жорий “Сихат-саломатлик йили” да шифохона маъмурияти томонидан сихат-гоҳни замонавий а с б о б -

у с к у н а л а р билан жиҳозлаш ва барча қулайликларга эга бўлган 12 ўринли бино қуриб, ишга тушириш режалаштирилган.

— Бу эзгу ишларда, — дейди бош шифокор, — Наманган вилояти меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш бошқармаси,

бошлиғи, ишбилармон раҳбар Баҳриддин Абдуллаевни ҳар томонлама кўрсатган йўл-йўриғи, яқиндан берган ёрдамларини айтиб ўтиш жоиздир.

Косон ҳақида гапирганда, яна бир маълумотни айтиб ўтишни истардик. Бу ҳудудда 850 йиллик тарихга эга бўлган Жомеъ масжиди бор. Шу масжиддан эллик метр ўтиб, ер тагидан ҳаммом топилган. Тарихий манбаларда айтилишича, ўша даврларда бундай ҳаммомлар Самарқанд, Қобул, Ҳиндистонда ҳам мавжуд бўлган.

Хуллас, Косондан бир олам таассурот билан қайтдик. Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал. Сихатгоҳга ташриф буюрган киши юқоридаги фикрлар муболага эмаслигига амин бўлади.

Уктамхон ХОЛДОРОВА

Тугалорол

Хавотир

*Мен бир қисқа умр кўрдим,
Қапалақини уғридай.
Шушми, ёки хайл суғрим
Нурини синган Нуридай.*

*Гуноҳимди, савобимди,
Муҳаббатда яшадим.
Рўйимди, саробимди
Бир шу Илқини қўрсадим.*

*Бир хотира қолди мамнуи
Орзуларимдай ёнрок.
Ҳозирми, ҳа, шификман мен,
Яшамаянман бирок...*

Азизим, билдим ва кўнүкдим — Сиз қайтмайсиз. Фақат, фақат ўзингиз боғлаган бу риштани бир ўзим ечишга ожизлик қилаяпман. Жудаям ожизман. Соғинмаслик, ўртанмаслик, йилемаслик кўлимдан келмайди... Бироқ жуда кучли эканман. Ахир исён қилмаяпман. Жимман. Балки исёним ҳам, курашим ҳам жимлигимдадир.

Яна ёмеир... Ёмеирда соябонсиз сайр қилишни яхши кўрардик... Елкаларимиз ачишиб, эғнимиз ивиб кетишдан завқланардик. Эртаси кўни телефон қилиб, бўёқ овозда «Шамолламагингизми?» деб сўрардингиз. Мен ҳам Сиздан хавотирланардим... Ҳозир ҳам хавотирланаяпман.

Энди эса ёмеир қалбимни ҳам, қадримни ҳам ерга экаяпти. Хавотир олмаяпсизми? Бу илқ ёмеирда жунжикканча бир ўзим

кетаяпман. Айни пайтга Сиз нима қилаяпсиз экан. Ёмеирда юрманг, шамоллаб, овозингиз бўёилиб қолади.

Мен эса бу ёмеирни ҳеч ким билан бўлишмайман. Сизнинг хайлингизда кетаяпман...

Мабода эзласангиз, юрагингизда бўламан...



Қўнғироқ овози. Келин бирданига хурсанд бўлиб кетиб, шошиб эшикни очади. Қиз киради. Қўлида студентлик портфели. (Қизнинг кайфи чоғ, унинг қиёфасида худди қаҳрамонликка қасд этган кишининг қиёфасидек қатъият нишонаси).

ҚИЗ. Ассалому алайкум, дадажон.

ОТА. (Унинг кайфиятига ҳайрон). Ва алайкум.

ҚИЗ. (Бошқаларга). Салом.

ҲАММА. Салом.

КЕЛИН. (Унинг кайфияти тамом ўзгарган, қувноқ. Қизга самимий меҳрибонлик билан). Тезроқ дастурхонга ўтиринг, синглим. Сиз кечикдингиз, биз овқатга сизсиз ўтиришга мажбур бўлдик.

ҚИЗ. Ҳозир. (Ичкарига кириб кетиб, қайта кийиниб чиқади. Эркалик билан Ота ва Онани ўпиб, дастурхонга ўтиради).



Ўззат Султон

Онлавий

ЭШҚ

Етти эпизодли комедия

ОТА. (Қизидан кўзини олмай тургандан кейин). Кайфиятинг яхшими, қизим?

ҚИЗ. Аъло, дадажон. Кайфиятим аъло!

ОНА. Ҳеч қачон бундай кайфиятда кўрмаган эдик сени ...

ҚИЗ. Бугун биз талабаларга ёқадиган бир эмас, икки профессор лекцияга кирди. Дарсларни ҳузур қилиб эшитдик. Лекциядан кейин эса мен ... (Онасига қараб, давом этишга журъат этмай, гангиб қолади).

КЕЛИН. (Ёрдамга келган оҳангда). Ҳа, тушунарли. Лекциялардан сўнг сиз яна Қаллиғингиз билан учрашдингиз ва ...

ОНА. (Чўчиб тушиб, унинг сўзини бўлади). Эсингиздан чиқарманг, келин: менинг қизимнинг Қаллиғи йўқ, ҳозирча йўқ. (Қиз мийиғида кулади).

КЕЛИН. Нега қизингизнинг Қаллиғи йўқ бўлади? Менинг укам-чи?

ОНА. Мен сизга минг маротаба айтганманки, сизнинг укангиз менинг қизимга қаллиқ бўлолмайди. Ё сиз эси пастлик қилиб, яна унутиб қўйдингизми?

КЕЛИН. Бундай гапни унутиб бўлар эканми? Аммо... (гапиришга тортиниб, жим қолади).

ОНА. (Жаҳл билан) Нима «аммо»? (Алам билан ҳаммага тикилиб чиқиб). Бу уйда менинг гапим гап эмаску, келиннинг гапи гапми? (Отага найзали назар ташлайди. Ота ерга қараб, жим қолади). Қачондан бери бу хонадонда менинг сўзим беътибор бўлиб қолди, дадаси? (Ота ўйланиб, жим қолади. Онанинг хуноблиги орта боради). Сиз нега оғзингизга талқон тўлдиргандек, «ғинг» этмайсиз?

ОТА. Ўйлаяпман, ойиси, ўйлаяпман.

ОНА Қани, сиз менинг умр йўлдошим, икки боламнинг отаси бўладиган бўлсангиз, айтинг-чи, бу оилада менинг сўзим эътиборлими ёки келинингизнинг сўзи? Масалан, шахсан сиз учун бу оилада мен "важний"манми ёки келинингиз "важний"ми?

ОТА. (Ўғлига). Бошланди!

ЎҒИЛ. Қадимий ва абадий можаро бошланди.

ОТА. (Ўғлига). Мана, болам, сен излаган вариант. Оиладаги нотинчликка сабабнинг энг кўп учрайдиган варианты. Вариантларнинг варианты. "Ким "важний"? Сен "важний"ми ёки мен?».

ОНА. Ҳа, ким "важний"? Менми ёки келинингизми? Қизингизнинг тақдири ҳам шу топда мана шу масалага боғлиқ.

ОТА. Нега, хотинжон? Қизимизнинг тақдири, даставвал, унинг ўз ихтиёрида.

КЕЛИН. Қизингиз ўзи алақачон Қаллиқ топган. Бу Қаллиқни ҳамма билади, ҳамма тан олади.

ОНА. Мен тан олмайман! Мен! Қизим танлаган Қаллиқни мен "брак" қилганман. Брак!

КЕЛИН. Менинг укамнинг нимаси ёмон, нимаси?

(Она нима дейишини билмай, жим қолади).

ОТА. Дарҳақиқат, қизимиз танлаган ҚАЛЛИҚнинг нимаси ёмон? Қизингиз шу йигитни яхши кўради. Йигитнинг қизингизга муҳаббати эса бир дoston бўладиган. Йигитнинг феъли-атвори ҳавас қилгудек, қўлида гулдек ҳунари бор. У ёқдан биз, бу ёқдан отаси турса, тезгинада оёққа туриб олиб, бир рўзгорни бемалол тебратадиган, бола-чақасини, оиласини ўртача бўлса ҳам, таъмин эта оладиган бўлиб олади. Хўш, биз бўлажак куёвимиздан бундан ортигини талаб этишга нима ҳаққимиз бор?

(Она ҳамон нима дейишини билмайди).

КЕЛИН. Хўш, ойижон. Энди ўзингиз инсоф билан айтинг-чи (йиғлаб юборади), менинг укамнинг нимаси ёмон, нимаси?

ОНА. (Жаҳл билан, бақиради). Опаси ёмон. Опаси.



ЎФИЛ. Хўш, ойижон, менинг хотинимнинг нимаси ёмон?

ОНА. Билмагандек гапирасан-а? Хотининг «бу хонадонда ким «важний» — мен «важний» дейди.

КЕЛИН. Йўқ, буни сиз айтасиз, сиз.

ЎФИЛ. Дарҳақиқат, «бу хонадонда ким «важний» — мен «важний» деб доимо сиз айтасиз, ойижон.

ОНА. Айтсам ҳаққим бор-да. Ё ҳаққим йўқми? (ЎФИЛ нима дейишни билмайди). Дадаси, ўғлингиз хотинининг ноғорасига ўйнайди. Сиз айтинг, сиз: бу хонадонда мен «важний» манми ёки сизнинг севиқли келинингиз «важний»ми?... Нега индамайсиз?

(Сукунат).

ЎФИЛ. (Хуноб). Бу можаро, бу азоб-уқубат қачон тамом бўлади, қачон?

ҚИЗ. Бугун тамом бўлади! «Сен «важний»ми, мен?» деган можаро бу хонадонда қачон тамом бўлади - мен ҳам билмайман. Аммо менинг Қаллиғим борасидаги можаро бугун тамом бўлади, бугун!

ОТА. Бу нима деганинг, қизим?

ҚИЗ. Бугун менга совчи келади.

ҲАММА. Совчи?

ҚИЗ. Ҳа. Совчи!

ОТА ва ЎФИЛ. Ким?

ҚИЗ. Кўрасизлар.

ОНА. Мен сендан «совчи ким?» деб сўраб ўтирмайман, қизим. Ишқилиб, бу совчи мени ана у (келинига масхарали назар ташлайди) рўдапо қаллиқнинг ташвишидан халос этса, бас! (қўнғироқ овози эшитилади).

ҚИЗ. Ана, совчи келди!

ОНА. Хайрият!

ҚИЗ. Ойижон, совчи кираверсинми?

ОНА. (Қувонч билан). Айт, тезроқ кирсин. (Қиз эшикни очишга шошади). Тўхта, болам! Совчига эшикни қиз очмайди. Уят бўлади!

ОТА. Келин, эшикни сиз очинг.

ОНА. Йўқ, бундай қутлуғ совчига эшикни ўзим очаман. (Тантанавор бир кайфият билан бориб, эшикни очади ва икки букилиб таъзим қилади). Хуш келибдилар! қадамларига ҳасанот! (Бошни кўтариб, остонада қаллиқни кўради. Она чақмоқ ургандек, орқага тисарилади, у йиқилай деганда Ота ва ЎФИЛ уни ушлаб қолишга улгурадилар).

ЎФИЛ. Ана совчи! Мана совчи!

ОТА. Совчи деган киройи мана бундоқ бўлса.

КЕЛИН. Кел, ука, кел!

ҚИЗ. Бу ёққа киринг! (Қаллиқ остонадан ўтади).

ОНА. (Ўзига келиб). Ё олло! Бу нима қилиқ?

ОТА. (Қаллиққа). Қани тўрга, яхши йигит!

ЎФИЛ. Ҳа, тўрга ўт, тўрга! (Қаллиқ, столнинг тўрисидан жой олади).

ҚАЛЛИҚ. (Дуо қилади. Аммо дуо бу ердагилардан бирортасининг эсига келмайди. Сукунат.) Қани, биз келдик, бало келмасин! Омин! (Ҳамма Онага қарайди).

ОНА. Ҳа-ҳа, бало келмасин, бало! (Истар-истамас «омин»га қўл очади. Ҳамма «омин» дейди. Яна ўнғайсиз сукунат).

ҚАЛЛИҚ. Менинг бу ерга қандай яхши ният билан келишимни қизингиз сизларга айтган бўлса керак.

ОНА. (Пичинг билан). Сен бу хонадонга шошиброқ келибсан, йигит!

ҚАЛЛИҚ. (Пичингга атайин эътибор бермай, илжаяди). Ҳа, савоб ишда шошмоқ ўзи савоб!

ЎФИЛ, ОТА ва КЕЛИН. Шундоқ! (Яна сукунат).

ҚАЛЛИҚ. (Туриб-туриб, бирданига) Мен совчиликка келдим.

(Ҳамма ҳайрон. Яна сукунат).

ОНА. Кимга совчиликка келдинг, йигит?

ҚАЛЛИҚ. Қизингизга. Қизингизни сўраб келдим.

ОНА. Ким учун?

ҚАЛЛИҚ. (Ўзини гўллик солиб) Саволингизга тушунмадим.

ОТА. (Кулгисини зўрға босиб). Яъни бизнинг қизимизни сен ким учун сўраб, совчиликка келдинг, яхши йигит?

ҚАЛЛИҚ. (Тап тортмай) Ким учун бўлар эди? Ўзим учун!

ЎФИЛ ва ОТА. Ана холос!

ОНА. Ҳой одамлар, бу нима деган гап? Бу нима?

(Сукунат)

ЎФИЛ. (Кулиб) Сен уйланиш дастурига катта ўзгариш киргизишга бел боғлабсан. Журъатингга тасанно, йигит!

ҚАЛЛИҚ. (Жиддий). Журъатимни кадрлаганингиздан миннатдорман, қариндош!

ОТА. (Кулиб). Ёшлар ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларига инқилобий ўзгаришлар киргизаётган бир тарихий паллада, сен уйланиш соҳасида бир инқилобий қадам босай дебсан-да-а, йигит?

ҚАЛЛИҚ. (Жиддий). Қатордан қолмай, дедим-да.

ОНА. (Масхара қилиб). Демак, сен инқилобий совчи экансан-да, йигит?


ҚАЛЛИҚ. (Масхарани атайин безътибор қолдириб, пафос билан). «Инқилобий совчи». Сиз ажойиб термин топдингиз, Холажон. Бунақа чуқур илмий терминни "доктор наук" ҳам тополмайди. Холажон, сиз баланд илмий савияда фикр қилар экансиз.

ҚИЗ. (Қаллиққа, секин). Сиз мақсаддан узоқлашдингиз.

ҚАЛЛИҚ. (Қизга, секин). Шошмай туриг, аввал ойингизни жиндек юмшатиб олай.

ОНА. (Пичинг билан). Худога шукр, биз дунёга келиб, мана инқилобий совчини ҳам кўрдик.





ОТА. (Ҳазилга кўчиб). Ҳа, инқилобий совчини кўриш бахти бизнинг пешонамизга ёзилган экан у...

ЎФИЛ. (Отасининг фикрини давом эттириб) ... Биз билмай юрган эканмиз.

ОНА. (Аввалгича масхара оҳангида). Ҳа, гафлатда эканмиз, гафлатда ... Шундай бахтдан бизни баҳраманд этган кишидан миннатдормиз, йигит.

ҚАЛЛИҚ. (Яна ўзини гўлликка солиб). Миннатдор бўлишингизга кўзим етгани учун мен қошингизга шощдим, холажон.

ОНА. (Жаҳл билан). Хўп бало экансан, йигит.

ҚАЛЛИҚ. (Бепарво). Яъни ёпишқоқ бало?

ОНА. Фаҳмингга балли.

ҚАЛЛИҚ. Мен гапингизга хафа бўлмайман, холажон.

ОНА. Нега хафа бўлмайсан?

ҚАЛЛИҚ. (Фалсафий бир оҳангда) Чунки ... чунки ҳар бир инқилобий қадам — ноилож ва муқаррар қадам. У ҳаётнинг тақозоси билан босилади. Бу илмий қоида сизга яхши маълум, албатта. Ахир, сиз олий маълумотли аёлсиз.

ОНА. Хўш?

ҚАЛЛИҚ. Сиз олий мактабга кирмасдан аввал ҳам маҳалламизда энг доно аёлларнинг бири ҳисобланар эдингиз.

ОНА. (Тоқати тоқ бўлиб). Хўш? Хўш?

ҚАЛЛИҚ. Хўш ... хўш ... Мен нимани гапираётган эдим?

ОТА. Ҳаётнинг тақозосини.

ҚАЛЛИҚ. Раҳмат, амаки. Ҳа, ҳаётнинг тақозоси ... ҳаётнинг тақозоси ... Ҳа, мен бу хонадонга совчи бўлиб киришни кимдан илтимос қилсам, рад жавобини олабердим. Ҳамма бу хонадонда қайин она ва келиннинг ораси ёмонлигини гапиради, бу ердан бенатижа чиқиб кетишдан қўрқади. Ўзимга ўзим совчилик қилишдан бошқа иложим қолмади.

ОНА. (Бошини чуқур афсус билан чайқади). Маҳалла-куйда сени «мундоқроқ» бўлиб қолган («мияси айниб қолган» ишорасини қилади) деган гаплар юрар эди. Шу гаплар тўғрига ўхшаб қолди, йигит.

ҚАЛЛИҚ. (Дарров). Тўғри, холажон, тўғри. Сиз мен билан қизингиз орасига суқилганингиздан бери «мундоқроқ» бўлиб қолганман.

ОНА. Топган Қаллифингнинг сўзларини эшитяпсанми, қизим?

ҚИЗ. Эшитяпман, ойижон, эшитяпман. Сиз бизнинг бахтимизга тўғаноқ бўлаберсангиз, менинг «бундоқроқ» бўлиб қолишим ҳам ҳеч гап эмас.

ОНА. Шўрим қуриб қолди-ку.

ҚАЛЛИҚ. Холажон, сизнинг суқилганингиз туфайли менинг бахтим аммамнинг ошқовоғидек қўл етмас дорга осилиб қолди. Бу ошқовоққа етиш учун энди мен нарвон топишим керак.

ҲАММА. Нарвон?

ОНА. Бу гапинг ҳам «мунақа»лигинданми, йигит?

ҚАЛЛИҚ. Бу жуда жиддий гап, холажон. Ўша дорга осилиб қолган бахтимга эришмоқ учун менга суянч бўладиган одамни топишим керак мен.

ОНА. У одам ким?

ҚАЛЛИҚ. Сиз, холажон. Сиз.

ОНА. Мен?

ҚАЛЛИҚ. Худди ўзингиз.

ОНА. Мен сенга нарвон бўлиб қолдимми энди? (Атрофдагиларга). Айтмадимми, бу одамнинг бир қайнови кам деб.

ҚАЛЛИҚ. (Дарров). Ҳақ гап. Сиз менинг бахтимга қаршилик қилганингиз сари қайновим камайиб кетяпти.

ҚИЗ. Ҳадеб шунақа қилаверсангиз, Қаллиғимнинг бутунлай музлаб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

ОНА. Мен сенлар билан ҳазиллашаётганим йўқ, нодонлар.

ҚАЛЛИҚ. Биз ҳам сизни жиддий огоҳлантиряпмиз, холажон.

ОНА. «Холажон» дема мени, рўдапо.

ҚАЛЛИҚ. Нега «холажон» демайман, холажон. «Холажон» деганим ҳурмат қилганим бўлади. Мен сизни бу хонадондаги ҳаммадан ортиқ ҳурмат қиламан, холажон, чунки бу хонадонда ким "важний" — сиз "важний" сиз. Ким зўр — сиз зўр.

ОНА. (Дарров юмшаб). И-е, бу йигитнинг туппа-тузук ақли борга ўхшаб турибди.

ОТА. Ҳа, йигитнинг ақли, донолиги дарров кўриниб қолди. (Қаллиққа секин). Дадил бўл, йигит.

ҚАЛЛИҚ. Ақлим бор, холажон. Бор. Аммо ҳар гал сиз рўпарамдан чиқсангиз, мен бирпасд а «ана бунақароқ» бўлиб кетаман. Мен хастаман, холажон, хаста.

ОНА. Бу хасталигинг менга боғлиқ бўлса, мен уни тузатаман. Чунки сен фақат доно эмас, жасур ҳам экансан. Ҳақиқатни дангал айтишдан кўрқмас экансан.

ОТА. Ҳа, бу йигитни қаҳрамон деса арзийди.

ҚАЛЛИҚ. (Қизишиб кетиб). Арзийди. Минг марта арзийди.

ОНА. Мен бу доно ва қаҳрамон йигитни, албатта, тузатаман.

ҚАЛЛИҚ. (Севиниб). Бир умр қулингиз бўлай, холажон. Кеча-ю кундуз дунёдаги ҳамма анқовларга бу хонадонда ким "важний" эканини тушунтириб юраман.

ОНА. (Тамом эриб). Йўқ, йигит. Сен менга қул бўлмайсан. Мен сени ЎФИЛ қилиб оламан.

ҚАЛЛИҚ. (Кўрқиб). ЎФИЛ?

ОНА. Ҳа, мен сени ЎФИЛ қилиб оламан.

ҚАЛЛИҚ. Мен бунга рози эмасман.

ОНА. Нега?

ҚАЛЛИҚ. Мен сизга ЎФИЛ бўладиган бўлсам, ана у ... ана у ...

ОНА. Куёвлик нима бўлади, демоқчимисан?

ҚАЛЛИҚ. Ҳа, менга ЎФИЛликдан кўра куёвлик кўпроқ ёқади.



ОНА. Юрагинг чиқмасин, яхши йигит, мен сени аввал куёв қиламан, кейин ўғлимдан азиз кўриб, бошимга кўтариб юраман. Токи ... (ўғлига наштар назар ташлайди).

ЎФИЛ. (Унинг сўзини илиб олиб). Токи бизга ўхшаш ЎФИЛларга ...

ОНА. Бевафо ЎФИЛларга ...

ЎФИЛ. Ҳа, токи бизга ўхшаган бевафо ЎФИЛларга сабоқ бўлсин.

ОНА. Қойилман: бир марта гапимни яхши уқибсан. (Қаллиққа). Бери кел, ўғлим, ёнимга ўтир. (Қаллиқ келиб, Она кўрсатган ўнг томонга ўтиради). Сен ҳам ўтир, қизим. (Қизни чап ёнига ўтқизади). Сен менга энди ҳам қиз, ҳам ягона келин бўласан.

ОТА. Бу гапларингиз жиддийми, хотинжон?

ОНА. Э, ҳазилни сиз яхши кўрасиз, мен ҳамма ишни жиддий қиламан.

ҚАЛЛИҚ. (Шошиб). Сиз ишни пухта қилар экансиз, холажон.

ОНА. Энди мени «Ойижон» деябер, болам.

ҚАЛЛИҚ. Сиз ишни жуда пухта қилар экансиз, ойижон.

ОНА. Баракалло. (Қаллиқ билан қизни эркалатиб, бошларини силайди. Бир чеккада серрайиб турган Келин газабда).

ҚАЛЛИҚ. (Ўрнидан сапчиб туриб). Шу тантанали моментни тарихда қолдирайлик, ойижон. (Бўйнидаги фотоаппаратни чиқариб, суврат олишга тайёрланади). Бахтим гули бир саодатли кун ва бир қутлуғ соатда бирданига очилиб кетганида гафлатда қолмай, деб доим фотоаппарат олиб юраман. Мана, шу кун ва шу соат келди. Мен сувратларингни шундай олайки, оилавий портретнинг олий намунаси бўлсин. Қани, бу ёққа ўтинглар. (Ҳаммани композицияга жойлаштиради, аммо Келинни унутади. Аппаратни тўғрилаб, ўзи Онанинг ўнг томонидан жой олади). Ҳозир магний «поп» этиб ёнади-ю, ҳаммамиз тарих саҳифасига тушамиз ... Внимание! (Кутадилар. Она бир зумда Келинга тилини чиқариб, эрмак қилиб олади).

КЕЛИН. (Эски «дард» тутиб). Тўхтатинглар.

ОНА. Ҳақиқат борми, келин. Ҳозир магний портлайди.

КЕЛИН. Портласа, менга нима? Сиз ўзимга яна битта иттифоқдош топдим деб талтайиб, тарихга тушишга шошманг ҳали. (Укаси ёнига боради, қичқиради). Ҳой доно куёв, қаҳрамон ўғил! Мен сенинг опанг бўла туриб, нега сен учун мен эмас, бу киши "важний" бўлади?

ЎФИЛ. Хотинжон, битиб келаётган ишни бузманг. Укангизнинг бахти учун ойимнинг "важний" лигини тан олинг.

ОТА. Бир марта тан олинг, келин.

КЕЛИН. Йўқ, тан олмайман.

ОНА. Менинг "важний" лигимни ўз укангиз айтса ҳам, а?


КЕЛИН. Укам ёлғон гапиряпти. Укам сизга хушомад қиляпти. Асли фикри бошқа. Мен буни яхши биламан.

ОНА. Шундоқ денг?

КЕЛИН. Худди шундоқ.

(Қаллиққа эшикни кўрсатди).

ZUMRASHA



**Tursunboy
ADASHBOYEV**

Ultramaning bedanasin

O'ta xushkor sayrashi bor.

— Bit-biliq, — deb jo'r bo'lar,

Unga qo'shnim mulla Sardor.

Mittigina jonivorning

Va-vaqlashin qarang endi.

Shu qushchaning nag'masidan

Xayol chil-chil, tarang endi.

Xapdoridan kappa otib,

Choydan yutgach g'o'ltilatib:

— Bedanadan xabar olgin,

Hoy, qaydasan, Abdulatif?

— Labbay, bobo,

— Yangilab qo'y.

Qushning suvdon, xo'ragini,

Akangga ayt, qo'yga qarab,

Tersin kana, jo'lagini.

Topshiriqni uddalaydi

Nabirasi qoyillatib.

Bobo xushnud duo qilar:

— Balli, o'g'lim Abdulatif.

Sho'x bo'lsa ham yaxshi o'qir,

Har sohada bilgir chiqdi.

Kenjatoyni sinash uchun

Savol berar qalashtirib.

Javoblari qisqa, lo'nda,

Chuchuk tilga yarashtirib:

— Pele, Yashin, Maradona,

Futbolchilar sarsi-da.

Va Mirjalol Qosimov bor,

Ana shular orasida.

— Yelkasi yer iskamagan,

Ayt-chi, bolam, qaysi polvon?

— Amir Temur sovrindori,

Eralidir mardu-maydon.

— Jahon ahlin lol qoldirgan,

Yana qaysi chempion bor?

— Bu-chi, Akobir Qurbonovdir,

Ota o'g'li, asl sardor.

— Balli polvon, shaxmatdan-chi? —

So'rar bobo choyga qonib.

— Shaxmatdanmi, hozir bizda,

Mashhur Rustam Qosimjonov,

— Qoyil, o'g'lim, bugun juda,

Ko'nglim tog'dek ko'tarildi.

Eng oxirgi savolimga,

Dangal javob aytgin endi.

Behudaga sanqib yurmay,

Kitobga ham qo'yding ixlos.

Burro-burro so'zlab, o'g'lim,

Meni xursand qilding shavvoz,

Bolalikdan yod olgansan,

She'rlarini sevib jondan.

Habib Rahmat, Safar Barno

Hamda Anvar Obidjondan.

Kitoblardan qay biri zo'r,

To'g'ri javob ayt, biroq?

— Bobo, buni kitobxonlar,

Bilishadi yaxshiroq...

Bobo kulib deydi:

— Bo'tam

Olim bo'lar siyog'idan.

Erkalatib nabirasin,

Cho'zib qo'ydi qulog'idan...

YERGA KIRDI

Arpa, bug'doy endigina,

Dumbul bo'lgan pallada

Takasaltang bir Kalamush

Sanqib yurar dalada.

Yumronqoziq jar boshida,

Turar ildiz kemirib.

Ahvol so'rar Kalamush:

— Yuribsanmi semirib?

— Rahmat, Yumron zotining,

Ishdan vaqti ortmaydi.

Senga o'xshab, el mulkini,

Talamaydi, tortmaydi.

Chigirtkani, cho'pni ko'rib,

O'zgadan qilma hadik.

Qishloq bilan shaharlarga,

Sizlarday moslashmadik.

Vatanimiz qir-adir,

Pichan-u ildiz — oziq.

— Q'alamislik sizga xos, — deb

Ta'kidlar Yumronqoziq.

— UZR, Yumron! Bobolarim,

Usta dehqon bo'lishgan.

Dumi bilan sarak yanchib,

Qiyin kunlar ko'rishgan.

— Bilar edim, bobong bug'doy

O'marardi xirmondan.

Momong bo'lsa, un tashirdi,

Qop teshib, tegirmondan...

Bu dangal so'z Kalamushga,

Kutilmagan gap bo'ldi.

Ajdodlarin qilmishidan,

Yerga kirdi, daf bo'ldi...

Орамизда шундай одамлар борки, улар ҳеч қачон рад жавоб беришмайди. Бир қарашда, бу ижобий ҳолдек туюлади. Бироқ баъзан бундайларнинг кўнгилчанлигидан атрофдагилар устамонлик билан фойдаланишади. Оқибатда, “бўшкўнгиллар” чув тушиб, асабийлашиб юришади. Энг ёмони ўзгалар учун вақтларини, кучларини, соғлиқларини сарфлашгани қолади. Аммо улар ўзларининг бу феълларини тузатишга қийналишади. Бундай ҳулқни ўзгартиришнинг иложи борми?..



ДЕЙИШНИ ХАМ ЎРГАНИНИ

Ноқулай вазиятларда

“ЙЎҚ” дейиш доимо ноқулай. Маълумки, бошликнинг сўзини икки қилиб бўлмайди. Дўстлар, яқинларга-ку, умуман “йўқ” дейишнинг иложи йўқ. Улар нотўғри тушунишлари ёки хафа бўлишлари мумкин. Тўғридан-тўғри рад этиш муаммо тугегириши табиий. Ёрдамга муҳтож дўстнинг узок ялинишидан сўнг “йўқ” дейишга куч ҳам, кайфият ҳам қолмайди. Бу ёни яна бош оғриқ. Гап шундаки, даставвал, кўнгилчанликнинг илдизини топиш керак. Бу “касаллик” чин кўнгилдан “хўп” дейишданми, ёки азбаройи “йўқ” дейишнинг иложи йўқлигиданми? Агар чин кўнгилдан “хўп” демас экансиз, яхшиси рад этган маъкул. Балки бу хислат (ёки иллат) қондан ўтгандир. Балки шундай тарбия беришгандир?

Мағрурликка йўл

Ҳокисор одамларнинг феъли, бошқалар учун қўйиб-пишавериши, маслаҳатлари, алалоқибат, ўзларининг қадри пасайиб боришига олиб келади. Сиртига сув юктирмайдиганлар, кескин рад этувчи одамларнинг сўзлари уларга қаттиқ ботиб, янада эзлишларига сабаб бўлади. “Йўқ” деб айтишнинг азоби уларнинг ўзлари рад этилсагина енгиллашади.

Болалигида қатталар томонидан ўта қаттиққўлик билан тарбия қилинганларда, доимий назоратда бўлганларда кўпроқ бўшкўнгиллик шаклланади. Бундай одамлар атрофдагиларнинг ўзи ҳақида салбий хулоса чиқаришларидан кўрқишади. “Одамлар нима дейди”, “Бу яхши эмас” каби уйлар ичларини кемириб юради. Табиийки, бу уларни чарчатади. Ўйлаб қўрайлик, бўшкўнгиллик доим ҳам хислатмикан...

Виждон амри

Таъқидланганидек, ҳокисор одамлар ўзларига муаммо тугегириб юрадилар. Худбинлар улардан ўз мақсадлари йўлида устамонлик билан

фойдаланишади. Бир аёл ўз табиатигаги мулоимликдан шикоят қилади. Атрофдагилар уни суяётгангек кўриниб, аслига ўзидан фойдаланаётганини сезиб қолган. Гап шундаки, унга телефон қилишиб, соатлаб ўз муаммоларини сўзлашар, унинг вақти борми-йўқми хисоблашишмас экан. Аёл уларни эшитар, муаммоларини бартараф этишга ёрдам берар, маслаҳатларини аямас, ҳаммо унга ҳеч алоқаси йўқ ишларга ҳам ёрдамлашар экан. Шундай вазиятлардан сўнг унга варажага ўхшаш ҳол юз бераркан. Маълумки, унинг рухий қуввати “сўриб олинган”. Ўйлаб қўрайлик, унинг жонига теккан кўнеинокларга барҳам беришига нима ҳалақит беради. Бир мартагина “Вақтим йўқ” деб кўрса, ундан хафа бўлишадими? Аслига, ўзи маслаҳат сўраган дўстларидан юқоригаги жавобни олган. Бундай ҳодисалар тасодиф эмас. Ҳар биримизнинг атрофимизда шундайлар бор. Балки улар ўзимиздурмиз. Сухбатдошимизга чин дилдан қулоқ солаётганими ёки шунчаки боғаблик юзасиданми? Агар сухбатдошимизнинг узундан-узок дуйғуёси ёкмаса, вақтига рад этинг.

Барчага баробар бўлиш қийин.

Рад этишни билмайдиганлар атрофдагиларга озор бериб қўйишдан кўрқиб билан бирга, уларнинг назаридан қолмаслик учун ҳам ҳаракат қилишади. Бундай ҳол эртами-кечми боши берк қўчага бошлаб боради. Атрофдагилар учун яшаш яхши. Бироқ барибир кескин бўла билиш керак. Ҳаётда рад этишнинг ҳеч қандай иложи йўқ вазиятлар жуда кўп. Баъзан шундай бўладики, айнан кўнгли бўш одамлар рад этилади. “Териси қалин” деб юритиладиган тоифадаги одамлар “йўқ” ҳам “ха” ҳам дейишни билмайди. Худди ҳеч қачон ҳеч кимга иши тушмайдигангек.

Қийин вазиятларда

Рад этишни ўрганувчилар учун бажариш қийин бўлмаган қўйидаги маслаҳатни тавсия

этамиз: эртадан бошлаб, "хўн" ёки "ха" сўзларининг ўрнига "билмадим", "аниқ билмайман", "Вақтим зикрок" сўзларини ишлатасиз. Эртадан кейин эса ўзингизни абвалгидек тутинг. Қадригизни тиклаш учун бироз қуврок бўлишга тўери келади. Бир кун ундай, бир кун бундай давом этасиз. Икки ҳафтадан сўнг ўзингизга ишонч ҳосил бўлади. Ҳар қандай ҳолда ҳам устингиздан қулишлари ёки елкангизга чиқиб олишларига ўл қўйманг.

Баҳона қилгандан, рад этган яхши

Рағ этишни билмайдиган одамлар, юқоригаги маслаҳатлар туфайли "билмадим", "иложи бормикан", "ха-ю..." сингари сўзларни кўп ишлатадиган бўлиб қолишади. Бу ҳам вазиятдан чиқиб кетгани бир ўли. Бирок баҳона рад этишдан кўра кўпроқ ёмон таъсир этади. Ноаниқ жавоб апрофдагиларга ишончсизлик уйғотади. Агар гап мутлақо бегона одамга ноаниқ жавоб бериш ҳақида бўлса, бу ярим фожеа. Бирок номаълум жавоб бериш яқинларни бездиради. Муносабатлар янада чигаллашади. Сизнинг силлиққина "Кечирасану, қўлимдан келмайди", "Бу мен учун жуда қийин" сингари жавобларингиз ёлгон туюлиши мумкин.

Биринчидан, суҳбатдошининг қандай ўйлаётгани аниқ эмас. Иккинчидан, биз бегона фикрлар учун жавоб бермаймиз. Мухими, кескин ўқ дейиш билан беҳуда вақт сарфлаш, ортиқча асаббузарликлардан қутулиш мумкин. Мустақил ва ишончли одамга айланиш осонлашади. Одамлар берадиган жавобларингизга қараб, сиз билан ҳисоблашар экан, қайси ўл маъқул бўлса танлайберингиз: "ха" ёки "ўқ".

МАНЗУРА тайёрлади

Қуёшга лаб очди

2002 йили Наманган Давлат университети қошида «Муқаддас Лира» («Заветная Лира») номли ёшлар шеърят клубини ташкил этиб, дастлабки тадбир, ёш шоирлар танловини тайёрлаётганимизда, инглиз филологияси факультетининг 4-босқичи талабаси Антонина Иплина менга мурожаат қилиб, конкурсда қатнашиш истагини билдирди. Мен бу қизни аълочи, фаол талабалардан эканлигини билардим. Шеър ёзишини эшитиб, хурсанд бўлдим.

Танловда бу қизимиз «Лиризм учун» номинацияси бўйича совринни қўлга киритганди.

Ўшандан буён А.Иплина клубимизнинг турли тадбирларида, шеърят кечаларида қатнашиб турадиган бўлди. Шунингдек, у бир қатор вилоят ва республика танловларида муваффақиятли қатнашиб, диплом ва ёрлиқлар билан тақдирланди.

Антонинанинг шеърлари баҳорда ялт этиб чиққан қуёш каби ёқимлилиги, эса қоларли топилмалари билан ўқувчини ўзига тортади.

Нозиккина эгнига бодом

Куртак кийиб олди оч пушти.

Баҳор — қайноқ қалбли гуландом,

Энди қувиб юборди қишни.

Қуёшга лаб очди куртаклар,

Дарахтлар қўл чўзди кўкка ҳур.

Эриган муз каби қўлмаклар,

Сувга тушиб ярқирайди нур.

Антонинанинг ижоди, қалби «қуёшга лаб очган куртаклар» каби ҳаётга доимо талпиниб туришини тилаймиз.

Қ.Носиров.

«Муқаддас Лира» клубининг раиси

Таҳририят ҳам шоирага ижодий баркамоллик, муваффақиятлар тилаган ҳолда, унинг шеърларидан намуналарни муштарийлар эътиборига ҳавола қилади.

Куртаклар

Мўъжиза

Бу мўъжиза, теваракка боқ,
Наҳот яна қайтиб келди қиш.
Дарахтларнинг новдаси оппоқ,
Яна оппоқ қорга бурканмиш.

Далаларда анқийди асал,
Атир пуркар ҳавога бу қор.
Қуёш уфққа бош қўйган маҳал
Қизаради бирам мафтункор.

Уйқусидан уйғонди қалқиб,
Табиатда ўзгача виқор.
Борлиғида ҳаяжон балқиб,
Кўклам келди, бошланди баҳор.

Рустам Мусурмон таржимаси

Беҳуда кетган аср

Беҳуда кетди аср, таассуф,
Ромео, Жульеталар бунда ёт.
Томирларда қонмас — кўлмак сув,
Анқир лаблардан сигарет, ҳайҳот!

Бўлмоқда хазон ёшлигимиз,
Эшитмай турналар қур-қурларин.
Йиқиш мумкин бебошлигимиз
Авлиё Валентин кунларин.

Ёшлик бу — гўзалликдир бетакрор,
Қайтмас у, ўтиб кетар бир зумда.
Сўнмасин қалбларда ишқи ёр,
Ўчмасин нури муҳаббат кўзингда.

Қ.Носиров таржимаси

Қалбдаги ОЛОВ Сўнмасин

Шоирларнинг муҳаббати сўзларга кўчгани сингари соз аҳлининг ҳам муҳаббати уларнинг ўлмас созию ширали овозларига кўчади. Бугун соҳир санъат оламининг муносиб вакилларига айланиб улгурган «Сўғдиёна» Давлат халқ чолғулари камер оркестри навозандалари бор муҳаббатлари билан халқ хизматида.

Ушбу жамоа эндигина 14 ёшга қадам кўйди. Бу йиллар мобайнида кўпчиликнинг меҳрини қозонишга улгурди. Республикамиз мустақиллиги эълон қилинган мунаввар кунларда дунёга келган мазкур ўзбек халқ чолғулари камер оркестри турли ижрочилик шакллари ва жанрларни бирлаштира олган, айни вақтда, ўзбек анъанавий ва замонавий академик ижро маданиятини сақлаган ҳолда фаолият кўрсатиб келаётган илк ижодий жамоадир. «Сўғдиёна» Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Анвар Левиев ва «Оркестр дирижёрлиги» кафедраси мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Феруза Абдурахимованинг ташаббуси билан ташкил этилди.

Шу ўринда, бу ишнинг бошида турган бир олийҳиммат инсонни тилга олмаслик мумкин эмас. Негаки, унинг моддий кўмагисиз, эҳтимол, оркестр бугунгача бунчалик муваффақият қозонмас эди. «Евробазис» компанияси директорлар Кенгашининг раиси Тоймурод Юнусметов оркестрни сифатли чолғулар ва хушбичим концерт костюмларига эга бўлишида ёрдамни аямади ва шу кунгача жамоага моддий жиҳатдан ҳомийлик қилиб келмоқда. Кези келганда, шунини айтиб ўтиш лозимки, орамизда шундай жонкуяр ва саховатпеша инсонларнинг борлиги қувонарлидир.

Ижодий жамоа аъзолари — консерватория ўқитувчилари, битирувчилари ва талабалари Республика ва минтақа миқёсида ўтказилган қатор ўзбек халқ чолғулари ижрочилари танловининг ғолибларидир. Оркестрга «Сўғдиёна» деб ном берилиши ҳам бежиз эмас. Унинг таркибига кирувчи най, сурнай, қўшнайн, уд, дутор, танбур, қонун, чанг-қобуз, доира, ноғора, қайроқ, занг, сафоил каби чолғулар Марказий Осиё ҳудудида эрамиздан аввалги I минг йилликда барпо этилган Сўғд давлати аҳолисининг маданий ҳаётида етакчи рол ўйнаган. Оркестрни ташкил этишдан кўзланган мақсад — ўзбек халқининг хилма-хил мусиқий бойлиги ва уларнинг ижрочилиги доирасида кенг

имкониятларга эгаллигини намойиш этиш, ижрочиликнинг азалий анъаналарини давом эттириб, неча минг йиллик тарихга эга қўҳна маданиятимизни, унутилаёзган қадриятларимизни сақлаб қолишга ҳисса қўшиш, шунингдек, композиторларни халқ чолғулари ва оркестр учун асарлар яратишга жалб этишдан иборат эди.

«Сўғдиёна»нинг репертуари ранг-баранг. Ўзбек мумтоз мусиқаси, фолклор, ўзбек ва бошқа миллат бастакорлари асарлари, яъни эрон, ҳинд ва тожик халқ мусиқалари, шунингдек, Бах, Паганини, Штраус, Сарасате, Альбенис, Теодаракис, Чайковский, Моцарт, Бетховен, Лист, Лео Делиб каби машҳур гарб композиторларининг дурдона асарлари ҳам ўрин олган. Ижодий жамоа пойтахтимиз ва Республика маданий ҳаётида фаол иштирок этиб келади. Ўзбекистон телевидениеси ва радиосида, турли ўқув юртларида, корхона ва ташкилотлар, кўرғазмаларда қатор концертларни намойиш этиб, мухлислар эътиборини қозонмоқда. Шунингдек, оркестр хорижий давлатлар билан алоқалар ассоциацияси йўналишлари бўйича ҳам ўз концертлари билан иштирок этиб келмоқда. Бу жамоа навқиронлигига қарамай, гастрол сафарларида бўлиб, ўз мухлисларини топди. Жамоанинг унутилмас кунларидан бири, 1996 йили Испанияда бўлиб ўтган XXX Халқаро мусиқа фестивалида лауреат бўлиб, Халқаро сертификатга эга бўлиши ва давлатимиз томонидан «Давлат оркестри» мақоми берилишидир. Бу катта муваффақият жамоа созандаларининг келажакдаги фаоллашувига илҳом берди.

Айни вақтда, жамоа созандалари Давлатимизнинг нуфузли рағбатларига эга бўлдилар. Ғофир Норбоев (най), Комилжон Шерматов (қонун) Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони соҳиблари бўлган бўлсалар, Улуғбек Юнусов (дутор) «Ниҳол» мукофоти совриндоридир.

«Сўғдиёна» жамоасининг профессионаллар қаторига чиқишида Ўзбекистон композиторларидан профессорлар Фарҳод Алимов, Аваз Мансуров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари Мустафо Бафоев ва Ҳабибулло Раҳимовларнинг хизматлари беқиёсдир.

Дунё бор экан, эзгулик ҳеч қачон сўнмайди. Унинг мунаввар нурлари мудом инсонлар йўлини ёритиб туради. Илло, мусиқа кириб борган хонадонга, санъат кириб борган даврага эзгулик кириб боради. Айни санъатнинг ҳосиласи ҳам халққа маънавият, маърифат ва эзгулик нурларини тарқатишда, бугунги кунда ўзбек санъатини дунёга кўз-кўз этаётган эъзозли жамоага катта муваффақиятлар тилаб, «Қалбдаги олов ҳеч қачон сўнмасин, Сўғдиёна!» деб қоламиз.

Дилшод МУТАЛОВ,
Ўзбекистон Давлат
консерваторияси доценти

“ҚАНОТ” ЛИ ТИПРАТИКАН

Нафий масаллар

Оч тулки ўрмонни кезиб, бирон егулик тополмай қайтаётганида, типратиканни кўриб қолибди. Азбаройи ютоқиб кетаётганлигидан унга ташланибди. Тулкининг оғиз-бурнига ўткир тиканлар қадалиб, унга азоб берибди. Тулки яна оч қолибди. Типратикан эса ўзидаги табиий ҳимоя туфайли омон қолибди.

Эртаси куни тулки яна шу типратикан атрофида айланиб, уни ейшнинг йўлини топиш мақсадида айёрлик йўлига ўтибди.

— Эй оғайни, ҳозир тиканлар билан юриш модадан қолган, сартарошхонага кирда, тиканларингни қирдириб ташла, оппоққина бўлиб юрсанг, ҳамманинг ҳаваси келади, ҳурмат ва қадр топасан.

Типратикан унинг бу тарғиботига учмабди. Унинг гапи тугамасдан жўнаб кетибди.

Тулки замонавий айёрлик йўлига ўтибди. Бор-будини телевизор рекламасига сарф қилибди. Типратикан ўтадиган жойдаги дарахтга телевизорни ўрнатиб, қизиқарли рекламаларни кўрсата бошлабди. Экранда тиканлари силлиққина қирдириб олинган типратиканлар қанот чиқариб учиб юришарди. Сухандон бойўғли кўзойнақларини бурни устига қўндириб, илҳом билан тасвирларни шарҳларди: «Қарангки, тиканлар қирқилса, ўрнига қанот чиқади, қанот билан хоҳлаган манзилингизга тез бориб, қайтишингиз мумкин. Қаранг, нақадар нафис парвоз!»

Типратиканнинг бу рекламага қизиқаётганлигини кўрган Тулкивой реклама учун боз-боз пул тўлаб, уни қайта-қайта намойиш қилдирибди. Типратикан бу рекламани кўравергач, унга ишониб қолибди.

«Ҳақиқатан ҳам нима зарил, шу эски матоҳларни кўтариб юриш. Тиканларим билан ҳамманинг кўзига ёмон кўриниб юраманми? Тиканлардан воз кечиш пайти келмадимикин?» — ўйлабди типратикан. Бироқ, барибир, юрагида ҳадик ва қўрқув хуруж қилибди. Кечки ахборотда шу ўрмондаги барча йиртқич ҳайвонлар, жумладан, Тулкивой ҳам гўшт ейишдан воз кечгани ҳақидаги хабарни эшитиб, қўрқуви ҳам ғойиб бўлибди.

Демак, йиртқичлардан қўрқишга ҳожат йўқ. Шундай бўлгач, нега тиканларимдан воз кечиб, қанот чиқариб, узоқларга парвоз қилмай? Эртасига тиканларини олдириб, қушдек енгил бўлиб, ўрмон сари қадам ташлабди.

Ана шундай ажойиб бир тонгда Тулкивойнинг машаққат билан тузган тадбири ўз самарасини кўрсатибди. Тикансиз парҳез гўштига тўйиб олган Тулкивой навбатдаги айёрликни ўйлаганча ўйқуга чўмибди.

Жонсарак КАПАЛАК

Ишн юришиб кетмаётган шогирд устозига мурожаат қилибди. Устоз унга кўйидаги ривоятни айтиб берибди.

Бир донишманд одамларнинг ҳар қандай қийин саволларига ҳам тўғри жавоб топа оларкан. Турли муаммоларга дуч келган одамлар донишманд ҳузурига келишиб, ўзлари учун энг фойдали маслаҳат олиб


қайтишаркан. Унга ҳасад қилган бир ўспирин йигитча донишманд жавобларининг нотўғри чиқишини, унинг халқ олдида ёлеончи бўлиб қолишини ният қилиб, шундай бир тадбир тузибди:

«Учиб юрган капалакни кафтлари орасига тутиб, донишмандан «шу капалак тирикми ё ўликми?» деб сўрайман. Агар у «ўлик» деб айтса, капалакни учуриб юбораман-да, унинг тирик эканлигини исбот қиламан. Бордию у «тирик» деса, кафтларимни сиқиб, капалакни ўлдираман-да, «Мана ўлик экан-ку, сиз ағашдингиз, устоз!» деб халқ орасига донишмандни роса мулзам қиламан», деб ўйлабди.

Бу хийласи ўзига маъқул бўлиб, ўспирин донишманд ҳузурига шошилибди. Унинг олдига етиб келгач, кўллари орасига капалакни тутган холда кўпчилик ҳузурига тайёрлаб қўйган саволини айтибди. Донишманд йигитча берган савол ҳақида бироз ўйлашиб, унга хийла тикилиб қолибди. Атрофдаги одамлар ҳам донишманд қандай жавоб қиларкан, деб унинг жавобини кутиб турган экан. Ниҳоят, йигитчанинг мақсадини тушунган донишманд: «Капалакнинг ўлик ёки тирик қолиши ўзинингизнинг ҳаракатингизга боғлиқ», деб жавоб берибди.

Шунда устозига мурожаат қилган шогирд инсон бирор ншга киришиб, уни бажариб кетиши, ёхуд уддасидан чиқа олмай, «синиб» қолиши ҳам фақат ўзининг иродаси, бианми, ҳаракатига боғлиқ эканлигини тушуниб олган экан.

Рауф ЭҲСОН



Янги китоб доимо қизик. Бунинг устига ўзинга қисса ва ҳикоялари билан таниш ёзувчининг илк романи бўлса, бироз синчковлик, бироз қитмирлик билан китобни ортдан олдига қараб varaқларкансан. Аслида китобнинг моҳияти қизик бўлса-да, аввал уни қайси нашриёт, қайси босмаҳонада чоп этилганию муҳаррирдан мусаҳҳиҳигача, ҳатто неча нусхада чиққанигача кўз югуртириб чиқдим. Худди эски алифбодаги китобни varaқлаётгандек, ўнгдан чапга қараб ўқишда давом этдим. Асарга адабиётшунос олим

қилган» образ — эртақчи, топишмоқчи, ўзиям боладек содда, ўз ўрнида пухтагина хотин. Унинг жавоби (но)маълум топишмоғи аслида асарга ишора. Роман бир қарашда моҳияти яшириндек кўринса-да, киноя, пичинглар орасидан аслият барқ уриб туради. (Но)маълумлик шу жойда очилади.

Дастлаб талаба Самаднинг тилидан ҳикоя қилиниб бошланган асарни ўқувчи Самад баён қилишда давом этади. Ва яна бўлажак руҳшунос-талаба Самад тугаллайди. Унинг тилидаги қуйидаги жумлага эътибор қаратдим: «**Мен университетнинг бу бўлимини**

Ўсмир боланинг қўшни келини яхши кўриб қолиши, уни ҳатто отасидан, шаҳарлик қариндошидан, ҳаммадан қизғониши, телбаларча эргашиб юришлари... ниҳоят, юрак ўйноғи бўлиб қолиши, ҳатто улғайганида ҳам курсдош қизларнинг кўзларидан илк севгисини қидириб ҳафсаласи пир бўлиши... Бу изтиробларни Самад билан бирга яшаб ўтдим. Бу ҳолатлар таниш туюлди. Қачондир ўқиганман бу асарни, дейман. Йўқ, ўхшаш туюлаяпти. Йўқ, барибир нимадир таниш... Болалигимда укамнинг «Насиба янгага уйланаман», — дейишлари, янги келинчакнинг

ЯШИРИН (Л) ГАН АСЛИЯТ

Луқмон Бўрихоннинг «Жазирамадаги одамлар» романи ҳақида

Қозоқбой Йўлдошевнинг «Кинояга йўғрилган умид» номли тақризини кўриб, қизиқишим яна ҳам ортди. Ва китобни рисоладагидек тутдим, унга шўнғидим...

Асарга болалигимиздан ёд бўлиб кетган топишмоқ эпиграф қилинган:

**Бир отим бор ажабгина,
Думлари гажаккина.
Ҳали келса...**

Кула-кула ўласиз.

(Тошбиби чечанинг жавоби (но)маълум топишмоқларидан).

Тошбиби чеча асарда тез-тез бўлмаса-да, учрайдиган, асар учун анча-мунча «хизмат

тасодифан танлаб, тасодифан талаба бўлиб қолган эсам-да, ўқишим ўзимга ёқар эди». Балки тасодифлар тасодиф эмасдир. Бироқ «ўқиши ўзига ёқиши» бежиз эмас. Чунки асар давомида образларнинг табиати, уларнинг ўй-кечинмалари, воқеалар ривожи руҳшуносларгагина хос маҳорат билан очиб берилган. Буларнинг ҳаммаси муаллифнинг маҳорати экани ҳам эсдан чиқиб кетади. У дастлаб 5-синф ўқувчиси Самадга айланади, асар билан улғайиб, руҳшунос Самадгача ўсади. Хуллас, муаллиф нутилади...

уйига кетиб қолиб, гирди тўқилган рўмолча билан қайтгани эсимга тушади...

Муҳаббат инсонни фаройиб тарзда кучли қилиб қўяди. Инсон севиб қолганидагина ўзини кучли ва аллақандай ожиз ҳис қилади. Мабодо ҳис қилмаса ҳам, бу куч ўзини ошкор қилиб қўяди. Самаднинг туйғуларидеги бу ҳол Лолахон совға қилган шиша балиқча билан боғлиқ парчада маҳорат билан очилади: «...Мен эса катталар тугул, ўз тенгқурларимдан ҳам уни қизғонар эдим. Бир гал Кенгсой томонларда қўй-қўзи боқиб юрганимизда, атиги бир марта

силаб кўриш учун ялиниб-ёлвориб шиша балиқчани қўлига олган Тўлқин жигимга тегиш учун қайтиб бермай ўзича олиб қочди. Тўлқин отасидек баланд бўй, қорувли бола. Баъзан Дурбек икковимиз биргалашиб уни йиқитолмай доғда қоламиз. Аммо ўша қалтис ҳазил ошнамга анча қимматга тушди. Мен шиша балиқчамни опқочиб кетаётган Тўлқинга бир ҳатлаб етдиму фаройиб бир куч билан уни ерга чалпак қилиб урдим. Тўлқин тиззаларим тагида ҳансираб ётар экан, ранг-рўйи қув ўчганча, нарсамни қайтиб берди. Биздан андак нарида ҳазил-мазах билан кулиб ётган Дурбекнинг ҳам ўз-ўзидан саси ўчди. Иккаласи ўзаро маъноли-маъноли кўз уриштириб, менга аллақандай ҳайрату ҳадик билан тикилиб қолишди. Мен... мен негадир беихтиёр йиғлаб юбордим ўшанда...»

Мен Лолахон келин бўлиб келганидан, тўғрироғи асарга кириб келганидан унга аллақандай ачиниб бошлаганман. Бирдан эл назарига тушиб, ўзида йўқ фазилатларни ҳам бўйнига илиб яшашга мажбур бу аёл ўлимидан сўнг (асарда унинг ўлган-ўлмагани аниқ бўлмаса ҳам) яна шунча «фазилат» соҳибасига айланади. Аслида бу тақдирнинг иши. Худо ҳаммага ҳам битта умр беради. Кимнинг қандай яшаб ўтиши, қандай ном қолдириши, гуноҳ-савоби ўз бўйнида. Унга ачинишим... Билмадим, буни тақризчи мукамалроқ сезган, сездирган, назаримда... Йўқ, асарни ўқиган кишида ўз хулосалари, ёндашувлари пайдо бўлиб боради.

Асарда ҳаётнинг кўп томонлари очилгани менга ёқди. Масалан, тасодифлар. Кимнидир эсласангиз, гапирсангиз, ўша одам кириб келиши. Ёки, анчайин инсонларда йўқ меҳр ҳайвонларда шаклланиши. (Энг бефаросат ҳайвон ҳисобланган

эшакнинг ўз жуфти бошида кўз ёши қилиши).

Хосият хола, Хосият чеча, Хосият янга — ҳаммаси бир киши. Ўзини тутишига қараб, Самад (муаллиф) истаганича атайди. Баъзан ҳаммасини бирдан ишлатади.

Шунингдек, романда осмон, юлдузлар, шамол, дарахт сингари жуда кўп образлар воқеалар ривожига, айрим ҳодисаларни ифодалашга моҳирлик билан хизмат қилади:

«Баҳор Файзулла ака хонадониди биқиниб ётган экан! Баҳор бекинмачоқ ўйнаётган шўх-шаддод келинчакдай тўсатдан отилиб чикди. Товусдек товланиб кўча-кўйдан чошиб ўтди, еллар билан елишиб, даладаштни қучоқлаб ўпди. Кенгсойнинг кенг қир-адирлари ҳайитни кутиб ётган камбағалдай яғир елкаларига омонатгина яшил тўн кийди». Бунақа мисоллар чиройли шеърга ўхшаб кетади.

Асарнинг тили таниш туюлади. Бир қарашда Тоғай Муроднинг тилига ўхшаса, бир Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор»ига ўхшаб кетади. Бу бир қарашда. Аслида, асарда ўзига хос тил бор, услуб бор. Жуфт сўзларнинг жуда кўп қўлланиши гализликка, эзмаликка, бўрттиришга эмас, муаллифнинг маҳоратига, ўзига хослигига айланади.

Шунга қарамай, «Жазирамадаги одамлар» менга «юз фоиз» ёқди, деб айтолмайман. Лолахоннинг Ўроқни эслаш учун пичан томонга ўтавериши, пичанни ҳидлаб, ёки пичанга ағанаб хотираларга берилиши ўхшамаган. Аёл кишининг изтиробли хотиралари бошқача бўлиши керакдай. Ёки ҳамма қизлар ҳақида кескин-кескин киноялар билан хулоса чиқарилган. Гўё ҳаммаси туйғуларга берилган, ҳаммаси бачкана (Самаднинг опаси бундан мустасно). Аслида,



қишлоқ қизларида, умуман, қизларда гўзал туйғулар ҳам бўлиши муаллифнинг эсидан чиққандай. Яна Шунқор Ҳобил образи ҳаётдан олинган. Асарни ўқиш жараёнида унинг прототипини эслайвердим. Лекин асардагиси лўттибоз мухбирга ўхшаб қолган. Ичиб юриши, мақтанчоқлиги, образни кичрайтириб қўйгандай, назаримда. Балки бу бола Самаднинг қарашлари-дадир.

Шу ерда ўйлаб қолдим. Балки мен ҳали бир асар ҳақида гапиришга, таҳлил қилишга тайёр эмасдирман. Бироқ китобхон сифатида асардан қандай таъсирланган бўлсам, шундай баён этишга ҳаракат қилдим.

Умуман, ўзбек адабиёти яна битта романга бойигани яхши ходиса. Китоб мендан кейин олтинчи одамда ўқилаяпти. Ҳаммасининг хулосалари яхши. Китобнинг кам нусхада чиқса-да, қўлмақўл бўлиб кетиши фақатгина ёзувчининг ютуғи. Шу ютуқ, ёзувчига, айниқса, ўқувчига — ўқувчиларга қутлуғ бўлсин.

Манзура Шамс

ИМГА ОШ, ИМГА ЕМИШ



(Зилга етмаган ҳазил)

Бир қишлоқда икки қўшни бор экан. Уларнинг бир йилда тугилиб, бирга ўсган ўғиллари бор эди. Бирининг оти ўлмас, иккинчисининг оти Толмас эди. Улар

бир-бирлари билан мусичалардек унок, ажралмас дўст бўлиб, бирга ўсишди. Буларнинг унок-дўстлигидан ҳар иккисининг ота-онаси ва ака-укалари хурсанд эдилар.

Йигитлар улаёйдилар. Касб-корлик бўлишдилар. Бир техника учун ёқилеи ташиди, бири эса ишчилар учун сув таший бошлади. Жамоа аъзолари сув ва ёнилёиға ёлчийдиган бўлишгач, уларнинг ҳар иккаласини ҳам мактаб гапирадиган бўлишди. Улар эрталаб соат бешда туриб, шийпондагилар турмасларидан олдин, уларга ёнилёи билан сувни тахт қилиб қўядилар. Ўзаро ахиллик, беминнат меҳнат бу йигитларни халқ ўртасидаги обрўсини анча кўтарди. Улар бир-бирларига ўта яқин бўлганидан ҳазил-мутойибаларини ҳам кўтаришар экан. Бироқ айрим беўхшов ҳазиллари бошқаларнинг энасасини қотирар экан. Ота-оналар шу йилнинг кузига уларни бир вақтда уйлантирмоқчи бўлишди. Йигитлар ота-оналари максадларини яхши тушунишарди. Улар тўйга атокли артистларни чақиршни хошлашарди. Бу ниятларини жамоа хўжалиги раисига айтганларида, раис уларга беш кўнға Тошкентга бориб-келишлариға рухсат беради. Икки ўртоқ сахарда Тошкентга жўнаб кетдилар. Аксига олиб, ярим йўлда машина бузилиб қолади. Машинани тузатиш учун қанчалик ҳаракат қилмасин, ҳечам ўт олмади. Кун ботиб, қоронёи ҳам тушиб қолди. Бу икки йигитнинг қийналганини кўриб турган кўча бўйидаги ховли эгаси Муллаҳўжа ака деган нотаниш киши уларнинг олдилариға келиб саломлашди. У қоронёи тушиб қолганини, машинани тузатишни эртаға қолдириш зарурлигини айтиб, уларни уйиға таклиф қилади. Улар ховлиға кирадилар. Толмасвўй ташқариға чиқиб кетади. Мезбон Муллаҳўжа ака ўлмасвўй билан гаплашиб ўтириб, «У йигит ким?» деб сўрайди. Ўлмасвўй «Эй, у — эшак!» деб жавоб беради. Таажжубдан Муллаҳўжа ака



индамай қолади. Толмасвўй бет-қўлларини юбиб келади. Кейин ўлмасвўй чиқиб кетади. Шу пайт уй эгаси ундан ҳам сўради: «У киши ким бўлади?» Толмасвўй эса «Эй, у ит-ку!», дейди. Муллаҳўжа ака яна таажжубға тушади, уларға индамасдан, йигитларни меҳмонхонаға таклиф қилади.

Шундан кейин Муллаҳўжа ака ўёлини чақириб, дамланган ошни сузмасдан туриб, бир лаганға икки кило арпа солиб, ўлмасвўйға, иккинчи лаганға тўлдириб қок суяк солиб Толмасвўйға, ошни эса менинг олдимға қўясиз, деб тайинлади. Йигит ҳам отасининг топшириёини бажаради. Тайёрлаб қўйилган ошни отасининг олдиға, арпа бор лаганни меҳмон ўлмасвўйнинг олдиға, суяк тўла лаганни Толмасвўйнинг олдиға қўйиб, чиқиб кетади. Бу воқеадан меҳмонлар хайрон бўлиб, Муллаҳўжа акадан «Бу нима гап?» деб сўрадилар. Муллаҳўжа ака жавоб берди: «Шеригингиздан сиз ташқариға чиқиб кетганингизда: «Бу киши ким?» деб сўрадим. Бу киши: «Эй, эшак!» дедилар. Шунинг учун сизға эшакнинг обқатини олиб келиб қўйдик. Сиздан: «У киши ким?» деб сўрадим, бу киши: «Эй, ит-ку!» дедилар. Шунинг учун сизға итнинг обқатини келтириб қўйдик. Мен одамман, менға одамнинг обқатини келтириб қўйдилар, деб йигитларни ёмоққа таклиф қилибди.

Меҳмонлар таажжубға қолишиб, ўз сўзларидан пушаймон бўлиб қолишади. Бу пайтда Муллаҳўжа ака ўёлини чақириб, суяк ва арпани олиб чиқиб кетишини айтади. Олдиға турган лагандаги ошни уларнинг олдиға суриб, шундай дейди: «Икковларинг ўртоқ экансизлар, ҳар қанча ҳазилингизни ўзаро қилингизлар. Мен қаби бегоналар олдиға бир-бирингизға дўст эканлигингиз билиниб турсин.»

Толмасвўй ҳам, ўлмасвўй ҳам ўзларининг қилиқларидан пушаймон бўлиб, бу доно одамнинг берган ўғитини то умрларининг охиригача унутмабдилар. Улар уйланиб, бола-чақалик бўлишиб, бир-бирлариға ширин сўзли, фазилатли одамлар бўлиб, умр кечирдилар.

Худоёр ПАТИПОВ

Истиқлол								... янма? дон маҳсулот	
Муқаддас шаҳар	Чорва маҳсулот	Бадиий фильм			Асрор			Нобб	
	Олим							Ракс ижро эпифани	
Хўп майли				Зор	Ушша, ил			Бехиш	
Майда булакча				Чолеу асбоби				Қиз зиднақи	
									
	Хинг эпоси- дави образ							Лахза	
	Қашта							Қўзи оғиш	
	Ахлоқ				Мапошат			Қадимий қабил	
	Осиёдаги давлат				Асал			Муқаддас зоат	
Моҳир	Қаш		Увнинг асоси			Қумалчи		Айқар (рус)	
Хўг			Эл						
	Асорат		Самолёт русуми	Самарқанд вилоятидаги тумани					Серғуб ғарф
	... тарош								
			... жиши						
Қатор									
... Раҳимов								Таалуқчи	
									... салтанат (хўрсатув)
Жув куроли									
Она (шейлада)							Абто русум		
							Эъзо		
			Ситам						
			Текст						
		Қумук							
		Баш			Хоразмий			Ишора	Қалоб
					Химоя калмаи				
		Миллий байрам					Ақл		
Падар		... луғати	Бовловчи	Қун	Ноёб тош				Қўманча
"Шпиён" келиши									
			Тиббий атама				... ғарф		Ақир
			Сам						
Қондош									
Ғароқуддий								Шарбат	
								Рақам	
		Дога Ез (рус)							
					Тава авзоси				
Оеиз авзоси		Аббал				Нам ол ... тама			
		Қасам							
				Мева					
								... ақбол	Қўшнинг эрқаси
Ғарели металл		Чой (янтализ)			Қарор қилиш	Ғобита			"Тунес" ...лар китоби

Тузувчи: Ногирбек АХМЕДОВ

Невропатолог бемордан сўради:

- Сизда бир ҳолат бўлиб турадимиз — овозни эшитасиз-у, лекин ким, қаердан гапирётганини билмайсиз?
- Тез-тез бўлиб туради, доктор!
- Жуда чатоқ-ку! Қай вақтларда шундай бўлади?
- Телефонда гаплашганимда...

- Нега жуда ҳомўшсан?
- 500 долларни майдалай девдим...
- Шу ҳам қийин иш эканми?
- Қийин эмас-ку, менда йўқ-да...

Инспектор балиқчига пўписа қилади:

- Жаноб, нега тақиқланган жойда балиқ тўтыяпсиз?
- Балиқ тўтаётганим йўқ, чувалчангни чўмилтираяпман.
- Қани бир кўрайчи! Бўлди, жарима тўланг.
- Нима учун.
- Чувалчангни ялангоч чўмилтираётганингиз учун.

— Қандай қилиб хотининг билан тинимсиз жанжаллашасан-у, яна қайнонани ҳурмат қиласан?

— Бир замонлар айнан шу қайнонам ўйланишимга қарши бўлган эди.

Шоҳида тайёрлади



Ўигит севган қизининг отасига мурожаат қилди:

- Сизга жиддий масалада мурожаат қиляпман: қизингизнинг менга тегишига розилик берасизми?
- Яхши ўигит, сиз ичасизми?
- Раҳмат! Лекин, келинг, аввал ишни битирайлик.

Суратларни **Жаҳонгир МИРЗО** чизган